

Боқий фикр

Маънавий жасорат аввало ўз юргига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдиди учун фидойишик кўрсатиб яшашда намоён бўлади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚУШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Спикер!
Хурматли Сенат раиси!
Муҳтарам депутатлар ва
сенаторлар!

Қадрли қўшма мажлис иштирокчилари!

Шу кунларда барчамиз биргаликда юрагимизда чукур дард билан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир жудолини бошимиздан кечирмоддамиз. Нуроний оқсоқолларимиз, мўътабар оналаримиз ва опасингилларимиз, ёш йигит ва қизларимиз, 32 миллионли бутун Ўзбекистон халқи, хорижий мамлакатлардаги кўпсонли дўстларимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовни чексиз қайфу билан сўнгги йўлга кузатдилар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз Ислом Абдуганиевичнинг рафиқаси — хурматли Татьяна Акбаровнага, қизи — Лола Исломовнага ва яқинларига барчамизнинг номимиздан яна бир бор чукур таъзия билдиришга рухсат бергайтисиз.

Вақт ва хаётнинг ўзи Ислом Абдуганиевич Каримовнинг замонамизнинг улуғ сиёсатчиси, узокни кўрадиган ва стратегик фикр юритадиган шахс, ду-

нёда ва турли минтақаларда юз берабертган ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилар нуқтаи назаридан кўра билиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдиди учун улкан масъулият туйғусини чукур хис қиласидиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатларро тўқнушувлар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда фуқаролар уруши ҳавфи юзага келган, иқтисодиёт чукур инқизорга учраган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умри тугаб, янги замон бошланётган бир пайтда Ислом Абдуганиевичнинг республика раҳбари этиб сайланниши Яратганинг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Ислом Абдуганиевичга хос бўлган букилмас ирода, фидойишик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, савимиийлик ва меҳрибонлик каби олижоноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Замонавий Ўзбекистоннинг тархи — бу мамла-

катимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Абдуганиевич Каримов раҳнамолигига олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк Йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиғ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳамасосий муаллифи эдилар.

Мамлакатимиз тоталитартизимдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини тандади, кўплаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Конституция ва унинг негизида яратилган пухта конунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик ҳамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантириши ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни химоя қилиши, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

(Давоми 2-, 3-, 4-бетларда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида АҲБОРОТ

2016 йил 8 сентябр куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, таклиф этилган Вазирлар Махкамаси аъзолари, вазирларликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий аҳборот воситаларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис аввалида йигилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов хотирасини ёд этиб, хурмат бажо кеттириди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари нинг қўшма мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларни бажаришина вактина юклаш тўғрисида”ги масала кўриб чиқиди.

Қўшма мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошев ўзбекистон Республикаси Баш вазири Ш.М.Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларидаги кўп йиллик тажрибасини, ахоли ўртасидаги ҳумрат-этиборини инобатга олган холда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифа ва ваколатларни бажариши нинг зиммасига юклаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошевнинг мазкур таклифи ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан маъкулланганилиги маълумот учун қабул қилинди.

Сиёсий партиялар фракциялар раҳбарлари, депутатлар ва сенаторлар ҳозирги шароитда барқарорлики сақлаш, жамоат ҳавфисизлигини ва ҳуқук-тартиботни таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришинг энг мумхим сиёсий ва иктиомий-иктисодий масалаларини самарали ҳал этиши зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошевнинг таклифини кўллаб-куватладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчиллик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларни бажаришина Ўзбекистон Республикаси Баш вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига вақтина юклаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ни Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилишини ташкил этиши тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари нинг қўшма мажлиси шу билан ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори
ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Марказий сайлов комиссиясида

Муборак Курбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, ҳалқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-дений кадрияларимизни асраш ва улуғлаш максадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Диний байрам — Курбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида”ги 1991 йил 20 июндан ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Курбон ҳайитининг Биринчи куни 12 сентябр душанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2016 йил 12 сентябр мамлакатимизда дам олиш куни деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансан.

2. Республика “Нуроний”, “Маҳалла” жамармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Курбон ҳайитининг жойларда тартибида ва юқори даражада, ҳалқимизнинг миллий кадрияларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий аҳборот агентлиги ва бошқа оммавий аҳборот воситаларига Курбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёртиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини
бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 9 сентябрь

4-dekabr — O‘zbekiston
Respublikasi Prezidenti
saylovi kuni

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва оммавий аҳборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, хурмат бажо кеттириди.

(Давоми 4-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ислом Абдуганиевич “Иқтисодий мустақилликка эришмасдан сиёсий мустақилликни таъминлаб бўйлайди” деган таймоли ва энг муҳим устувор вазифани амалга ошириши стратегик масала деб ҳисоблар эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини тъминлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўғди. Унда саноатнинг улуси 14 фойиздан 34 фойизга ошиди. Охирги 11 йил давомида ялли ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фойиздан кам бўлмаган даражада сакланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Мутлақо янги, юкори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий курилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Бунинг яққол ислоби сифатида мамлакатимизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миёсига ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган саноат обьектлари, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўнгирот сода заводи, Дехонобод калий ўйтлари заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидағи автомобилсозлик заводларини мисол килиб келтириш мумкин.

Республикамизда жадал суръатлар билан замонавий йўлтранспорт ва мұхандислик-коммуникация инфраструктури ташкил килинмоқда. Жўмладан, Қамчик довонидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрен-Поп темир йўл тармоги, Тошузар-Бойсун-Кумкўргон темир йўли курилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бухорога йўловчи ташийдиган юкори тезликдаги темир йўл қатнови очилди. Ҳалқаро аэропортлар модернизация килинди, Навоий аэропорти негизида ҳалқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон миллий автомагистралари барпо этилди.

Қишлоқ хўжалигига туб таркиб ислоботлар амалга оширилди. Барчамиз яхши эслаймиз, яқин ўтмишда Ўзбекистонни пахта монополияси ҳукмронлик қилалигига агарар бир мамлакат деб билишар эди. Мисол учун, 1990 йилда ахолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асан, четдан олиб келинадиган импорт ҳисобидан қондирилар эди.

Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва янги, илғор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқи мулкдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истемол қилиш даражаси кўпайди: гўшт, су в улардан тайёрланган маҳсулотлар — 1,5 баробар, сабзавот — 2,6 баробар, мева — 6,3 баробар ошиди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва кулаг шартшароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яли ички маҳсулотдаги улуси 56,5 фойизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фойизи меҳнат қўлмоқда ва улар мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса кўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган эзгуғояни амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини сезиларни даражада яхшилашини тъминлади.

Бугунги кунда давлат бюджетининг қарийб 60 фойизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга тақослаганда, аҳолининг реал давомадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошиди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариши жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабани қондириш тъминланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларни ечиш билан бир қаторда, жамиятимиз ҳаётини, фуқароларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини тубдан ўзғартиришга қаратилган кўпқирорлари вазифаларга доимо катта эътибор қаратади.

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳти бўлишлари шарт” деган чукур маъноли фикрлари ҳаммамизнинг қалбимизда муҳрланиб қолган.

Юртбошимиз мамлакатимизнинг бугунги ва эртаги кунини ҳал қилювич куч бўлиб майдонга чиқаётган ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кескин ўзғартирган, мутлақо янги тавлим ва тарбия тизимини яратиш ва ҳаётга татбик қилиш ишларига бевосита муваллифлик ва раҳбарлик қўйдилар.

Юртимизда илм-фан, соғликини сақлаш, маданият ва саноат, спорт каби муҳим соҳалар фаол тарзда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳалқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, мукаддас динимиз, аңана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Фуқаролар жамияти институтларини шакллантириш, айниқса, давлат ва жамият бошқарувидаги маҳалланинг нуғузини ошириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш борасида улкан ишларни амалга ошириди.

Юртбошимиз кекса авлод ва кивларига, муҳтарам фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром ва амалий фамхўрлик кўrsatisizligini ўта мухим вазифа деб ҳисоблар эдилар.

Олий Бош Кўмандон сифатида Ислом Абдуганиевич Каримов Қуролли Кучларимизни тубдан ислоҳ қилиш, жанговар қобилиятини яратиштириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикасининг худудий яхлитлигини ва мустақилларини ҳимоялаш, сарҳадларининг дахлизилигини, ҳалқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини тъминлаш учун бекиёс хизмат кўрсатдилар.

У қишининг ташаббуслари билан тинчликтарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва юзага келаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни факат ва фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган Ўзбекистон Республикасининг ташкил қиёсий фаолияти концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Хурматли депутат ва сенаторлар!

Биз охирги 25 йил давомида жуда кўплаб муҳим анжуман ва йиғилишларни ўтказдик. Уларнинг барчасига муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов бошчилик қилганларидан яхши хабардорсиз. Бугун эса тарихимизда биринчи марта бундай муҳим йиғилишни азиз раҳбаримизнинг иштирокисиз ўтказмоқдамиз. Гўёки ҳаёлимизда у қиши ҳозир залга кириб келадигандек.

Ўйлайманки, бугунги мажлислиқ қатнашаётган ҳар бир инсон шу залда буюк Йўлбошчимизнинг руҳи ва нафасини сезиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ўлмасоялари, фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга шундай чукур сингиб кетганки, улар бизнинг келажак сари қатъият билан боришимизда барчамизга доимо таянч ва суняч бўлиши мүкаррар.

Шу муносабат билан, биз дунёдаги ҳозирги мурakkab ва кескин шароитни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ўзимизнинг биринчи даражали вазифаларимизни биргаликда белгилаб олишимиз даркор.

Бугун биз ҳалқимизни ишонтириб, баланд овоз билан айтиши-

миз зарурки, буюк устозимизнинг сиёсий мероси, яъни, у қиши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Биринчидан, биз ҳар доим Ислом Абдуганиевич Каримовнинг чукур маъноли ўғитларини, айниқса, “Бизга тинчлик ва омонлик керак!” деган сўзларини ҳеч қаҷон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Турли ҳавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикини кўз қорачигидек сақлашимиш, юртимиздаги миллатлар ва динлараро ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат мухитини янада мустаҳкамлашмиз керак.

Шу билан биргага, жамиятимизда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тъминлашмиз зарур. Барчамизга мальумки, Ислом Абдуганиевич Каримов “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди”, деб кўп-кўп таъкидлар эдилар. Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда адолатсизликнинг ҳеч қандай шаклда устун бўлишига йўл қўйаслигимиз зарур. Бу хокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввали, давлат бошқаруви органларининг ва айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражада вазифасидир. Биз ҳалқимизнинг, бугунги замоннинг ана шу муҳим талаби сўзсиз бажарилишини тъминлашмиз шарт.

Иккинчидан, давлатимиз хавф-сизлигига ҳар томонлама мустаҳкамлашмиз, ҳар бир фуқароларни тинчлиги ва осойишталигини тъминлашмиз лозим. Вазиятни издан чиқариш, ниғоҳ солиш, душманлик ургуни сепиш, турли мажароларни келтириб чиқариш ва ҳатто қон тўкилишини истаётган кучлар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Очиқ тан олиш керак, биз нотинч замонда, нотинч бир минтақада яшамодкамиз. Шу сабабли Ватанимиз ҳимоясини ишончи кафолатлаётган, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаётган ва давлат чегараларимиз дахлизилигини тъминлаштаган тизимили чора-тадбирлар комплексини жорий этишини қатъият билан давом эттиришимиз зарур.

Биз Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот органларимизни бундан кейин ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлаб борамиз. Ҳеч кимда заррача ҳам шубҳа бўйласлиги керак — мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига ҳавф туғдирадиган ички ва ташкил кучларини ҳар қандай ҳаракатларига, ҳар қандай уринишларига қатъий ва муносиб зарба берилади.

(Давоми 3-бетда.)

2016-yil 10-sentabr, № 73 (8930)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

Бизнинг яна бир энг муҳим устувор вазифамиз — Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган "ўзбек модели"-нинг асоси бўлмиш беш тайомилни амалга ошириш асосида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва унинг рақобатдошлигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизнинг келгуси ривожи, халқимиз фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва сифатин юксалириш айнан шу масалага боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиётда ўсиш суръатлари секинлашиб, энг муҳим экспорт товарларимизга ташқи талаб камайиб, дунё бозорида уларнинг нархи пасайб бораётган шароитда. Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан иқтисодиётимизни испоҳ билишни чукурлаштириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган ишларимизни янада кучайтишимиз керак.

Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил январь оидаги қўшма мажлисида тақлиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг Харакат дастурини амалда бажаришини давом эттириш зарур. Бу борада иқтисодий испоҳотларни чукурлаштиришни давом эттириш, хусусий мулкни ривожлантиришни жадаллаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги узунлини камайтириш ва таркибий ўзгаришларни жадаллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш даркор. Турли бюрократик тўсиклар ва асосиз текширувларни бундан кейин ҳам қатъни билан чеклаш зарур.

чиқариши кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ана шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, фермер хўжаликларининг экспортда иштирок этишини янада рағбатлантириш бўйича кўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу иқтисодий ўшиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, ахолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва моддий фаровонлигини оширишнинг асосий локомотиви бўлиши керак.

Тўртнинчидан, Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари манфаатларни мустаҳкам химоя қилиш тўғрисидаги талаб ва топшириклини ижросини изчил давом эттириш даркор. Турли бюрократик тўсиклар ва асосиз текширувларни бундан кейин ҳам қатъни билан чеклаш зарур.

Бешинчидан, энг муҳим ижтимоий-иктисодий вазифа — Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган Ахолининг меҳнат билан бандлигини ошириш даражуни бажаришдан иборат. Йил охирига қадар бир миллиондан зиёд янги ўринларини ташкил этишимиз зарур. Касб-хунар коллежларининг 480 минг нафар битирувчинини исла жойлаштириш масаласи алоҳида назоратни талаб қилиди.

Биз жамиятнинг ижтимоий табакаларни даражасини пасайтириш, **мамлакатимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги** бўйича Ислом Абдуғаниевич томонидан белгилаб берилган сиёсатни қатъни давом эттирамиз.

Олтинчидан, халқаро коммуникация тармоқларига уланган замонавий йўл-транспорт ва мухандислик инфратузилмасини шакллантириш, шунингдек, миллий аҳборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан пухта йўлланган ва ишлаб чиқилган стратегияни амалга оширишни давом эттирамиз.

Бугунги шароитда энг илғор аҳборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада қабул килинган Милий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, информацион тизимлар комплекслари ва "Электрон хукумат" аҳборот базасини шакллантишимиз керак.

Мамлакатимиз худудларини комплекс ривожлантириш соҳасидаги ишларни давом эттириб, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Термиз, Намангандан Урганч шаҳарларини ободонлаштириш бўйича мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалда баҳарилишини таъминлаш керак.

Кишилкотиришни чукурлаштиришни алоҳида аҳамиятни кечишишни таъминлашни таъминлаш керак. Биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан Стратегик шериклик, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа муҳим келишувлар асосида дўстона алоқаларни изчил ривожлантириш ва кучайтириш икки мамлакат манфаатларига жавоб беради ва минтақада барқарорлик ва хавфисизлик мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Молиявий барқарорлигини таъминлашадир. Бу масалани биз мамлакатимиз озиқ-овқат хавфисизлигини таъминлашадиган гарови деб хисоблаймиз.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббускори бўлган қишлоқларимиз қиёғасини тубдан ўзгариши, қишлоқ аҳолиси учун шаҳар дараҷасидаги турмуш шароитини таъминлайдиган намунавий ўй-жойларни ва тегиши инфратузилмаси куриш бўйича дастурни фаол давом эттирамиз.

Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлини сақлаш, маданият ва санъат, спортив ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини пухта эгалашини таъминлашадиган устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Энг муҳим йўналишлардан яна бири — жамиятимизда демократики жараёнларни чукурлаштириш, фуқаролик институтлари ривожланшини қўллаб-куватлаш, сиёсий партияларнинг обўр-эътибори ва таъсирини ошириш, сайловчиларнинг овози учун рақобатни кучайтиришдан иборат.

Хурматли дўстлар!

Биз бундан бўён ҳам барча хоҷийий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамиятини билан саҳараларда ҳамкорликни ривожлантиришга устувор даражада аҳамият берамиз.

Ўзбекистон учун Европанинг етакчи давлатлари, аввалимбор Германия, Франция ва Буюк Британия, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга мухим аҳамият касб этади.

Биз Ҳиндистон, Покистон ва Жанубий Осиёнинг бошқа давлатлари билан сиёсий, савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан анъанавий равишда яқин қўшничилик ва дўстона сиёсат олиб боради.

Биз Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари билан ўзаро манфаатли ва кенг кирорли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни давом эттирамиз.

Лотин Америкаси ва Кариб минтақаси, Африка китъасининг етакчи давлатлари билан алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни қўллаб-куватлашга жавоб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қиласи.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда мухим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси ўзбекистон ташкилини сиёсий фаолиятингин асосий устувор йўналиши хисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшиларимиз Туркманистон, Қозогистон, Тоҷикистон ва Қирғизистон билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содик қоламиз.

Ташкилини сиёсатимизнинг устувор йўналиши бу — Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашдан иборат. Биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан Стратегик шериклик, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа муҳим келишувларни изчил ривожлантириш ва кучайтириш икки мамлакат манфаатларига жавоб беради ва минтақада барқарорлик ва хавфисизлик мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Ҳалқаро валюта жамғармаси, бошқа ҳалқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан давлатидан иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий испоҳотларни қўллаб-куватлашга қаратилган ҳамкорликни янада ривожлантиришамиз.

Хурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Иқтисодий ва ижтимоий испоҳотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли адо этиш, биринчи навбатда, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, барча даражадаги ҳоқимликлар, давлат ва ҳўжалик бошкарув идоралари, бутун халқимизнинг ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти гоялари атрофидаги қислашиб, бир ёқадан бош чиқаруб, ҳамжиҳатлик билан бор куч ва имкониятларини сафарбар этишига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

(Давоми 4-бетда.)

2016-yil 10-sentabr, № 73 (8930)

Истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб таълим тизимини тубдан ислоҳ килишга, фарзандларимизнинг пухта таълим-тарбия олишига мамлакат таракқиётининг муҳим омили сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Аввало, барча шарт-шароит ва имкониятларга эга, фарзандларимизнинг тўлақонли билим олишига хизмат киувчи таълим мұассасаларини барпо этиш ва уларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқув анжомлари билан таъминлашга доир зарур чорадибўйлар белгилаб олинди. Ушбу сайд-харакатлар туфайи ўтган 25 йил ичидаги таълим тизими буткул янгиланиб, умумтаълим мұассасаларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш ишлари юртимизнинг барча худудида изчил амалга оширилди. Мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам мұхташам, кўркм таълим иншоотлари барпо

канларини зарур мебель, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлашга 50 миллиард сўм маблағ ажратилгани ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган юксак эътибордан далолат беради.

Давлат дастури асосида жорий йилда 1220 та умумтаълим мактабини компьютер синфи, интерактив доскалар ва кондиционерлар билан жиҳозлаш белгиланган. Натижада республика мавжуд мактабларнинг 12956 та ўқув-ком-



Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor



йўли билан курилган. 1972 йили кўшимча бино барпо килинган бўлса-да, мусаса самиздаги шароит юксак дараҷадаги таълим-тарбия жараёни талабларига деярли жавоб бермас эди, — дейди мактаб директори Луқмон Ортиков. — Бугун янгидан барпо этилган иккι қаватли замонавий ўқув биносида 16 та синфона, маъмурӣ ва лаборатория хоналари, спорт зали мавжуд. Иншоотдаги барча хоналарга замонавий эшиклар, пластик профиlli роллар ўрнатилди.

Дастур ижросига қаратилган ислоҳотлар натижасида янги ўқув йилидан Сармаканд вилоятидаги 54 та таълим маскани педагогик жамоаси замонавий мактабларда ўқувчиларга таълим-тарбия бера бошлади. Жумладан, Тайлек туманидаги Бофизафон қишлоғи аҳули фарзандларининг бар-

Инвестиция дастури самаралари

МИНГЛАБ ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТМОҚДА



етиди. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳамда Инвестиция дастури асосида мамлакатимиз бўйлаб ҳар йили ўнлаб таълим масканларининг яроқсиз бинолари ўрнида янги, замонавий ўқув иншоотлари барпо этилди. Талаба жавоб берадиганлари мукаммал таъмирланди. Бир сўз билан айтганда, болалари мактаб ёёғи етган, демак мамлакатимиздаги барча қишлоқ ёки овул борки, мазкур дастурлар асосида курилган бинолар туфайли чирой очди. Бугун республикамизнинг қай бир худудига бормайлик, замонавий қўринишга эга, кўркм мактабларни кўриб қувона-миз.

Жорий йилда ҳам бу эзгу анъана изчил амалга оширилди. Юртимиздаги минглаб ўқувчилар янги ўқув йилини янгидан курилган ёки капитал реконструкция килинган таълим масканларида бошлади. Бу йилги Инвестиция дастурига кўра, республикамида 371 та мактабда курилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шулардан 29 таси янгидан курилган, 239 таси реконструкция килинган, 103 таси капитал таъмирланган мактаблардир. Мазкур таълим мұассасаларининг курилиш-таъмирлаш ишлари учун қарийб 400 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Таълим мас-

пьютер хонаси замонавий компьютер техникаси, 3823 таси электрон доскалар билан таъминланади.

Бу йилги Инвестиция дастури асосида Янгийўл туманидаги 10-мактаб буткул янгидан бунёд этилганни юзлаб ота-оналар ва ўқувчиларнинг кўнглидаги иш бўлди. Зеро, таълим мұассасасининг ўтган асрнинг 50-йилларида ҳашар йўли билан тикиланган биноси емирилиб, аянчли холатга келиб қолган, ҳар ўқув йили арафасидаги жамоани таъмирлаш ишлари ташвишга соларди. Давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўлиги туфайли бу каби безовталик ва дилхизаликларга буткул чек кўйилди.

— Халқимизда «Эскини эплагучна эсинг кетади» деган накл бежиз айтилмаган. Ҳар йили ёзги таътилда жорий таъмирлаш ишлари бажарисла-да, кўпг бормай қилинган меҳнат зое кетарди. Бунинг устига билим олишига шароит ва имкониятлар етарли эмас эди. Туйнукдек дезазалардан тушган нур синфонани ёртолмас, бино яхши исимаганидан баъзан ўқувчилар кишида соувудан азият чекар, ўқув-лаборатория хоналари йўқ эди, — дейди мактаб директори Шавкат Ризаев.

— Мана энди, кўз олдимизда мутлақо бошқача манзара намоён бўлиб турибди. Янги ўқув йилини

барча қулайликларга эга, замонавий бинода бошлагани ўқувчиларимизнинг кайфиятига юкори дараҷада ижобий таъсир этгани болаларнинг фаоллигига, билим олишига қизиқиши ошганида яққол сезилмокда.

Икки қаватли 315 ўринга мўлжалланган мактаб биноси киска фурсатларда курилиб, болажонларни багрига олди. Бунёдкорлик ишлари учун 3 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Мұхташам фаоллар зали, ошхона, спорт зали, фан қабинетлари ўқувчиларнинг билим олишига иштиёқини оширмоқда. Мактаб жойлашган Абдулла Ортиков номли қишлоқ фуқаролар йигини, Иноғомов номли маҳалла фаоллари, мактаб директори, педагогик жамоа ҳамда ота-оналар ва кишиларидан иборат курилиш жараёнини назорат киливчи жамоатчилар, комиссияси ишларнинг сифати бажарилишини бевосита кузатиб борди.

— Курилиш жараёни якунланишини, айниқса, ота-оналар жуда ҳам интиқли билан кутиши, — дейди Шавкат Ризаев. — Сабаби, март ойидаги ўқувчилар кўшни мактаблардаги синфоналарга вақтнча кўчирилганди. Мұассасамизнинг эски биноси тўлиқ бузилиб, янги иншоотга пойдевор кўйилаётганда айрим ота-оналар «Янги

ўқув йилида болаларимиз ўз мактабида ўқишини давом этиришармикан», дея хавотирланда бошлади. Янгина янги мактаб биносининг очилиш тадбирида қатнашган ота-оналарнинг барчаси давлатимизга миннадорлик билдириди. Курувчи корхона ҳомийлигига артезиан кудуғининг қаздирилиши натижасида мактабимиз ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

Инвестиция дастури қарори йилдан-йилга кенгайтган ўқувчилар ва педагогик жамоаларга қувонч баҳш эттаётir. Жумладан, Бухоро туманидаги 41-мактаб ҳам бу йил янгидан курилган таълим мұассасаларидан саналади. Мұассаса директори Мөъръон Раҳмоновнинг таъкидлашича, ёрун ва шинам синфоналарга эга 216 ўринга таълим маскани кенг спортуз, ошхона ва ораста кутибхонага эга. Икки қаватли кўркм мактабда дарсдан кейин спорт машгулотлари ва мутолаа билан шугуланишига иштиёқманд ўқувчи-лар сафи кенгайди.

Мазкур дастур асосида Фарғона вилоятида 24 та таълим мұассасасида курилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, Багдод туманидаги янги курилган 49-мактаб биноси янги ўқув йилида ўқувчиларни яна бағрига олди.

— Мактабимизнинг эски биноси 1966 йили ҳашар

ча шарт-шароитлар мавжуд бўлган янги мактабда билим олаётганидан мамнун.

— Илгари ўқувчиларимиз мослаштирилган бинода таълим оларди, — дейди 57-мактаб директори Илҳом Ҳожиқулов. — Бу йилдан болалар барча шароитлар мұхайё эттилган мактабда зўр иштиёқ билан билим олиши давом этирмоқда. Очиги, бундай қулайликларни кўриб, ўқувчига айланаб қолгинг келади, киши. Масалан, биргина спортзални олайлик. Спортиевар ўғил-қизлар учун етари имкониятлар мавжуд. Кийинши ва юви-ниш хоналари замонавий жихозланган, жисмоний машқларни бажариш учун зарур барча спорт инвен-тарлари келтирилган. Бундай имкониятлар мамлакатимизнинг эртагни эгалари бўлган ёшларимизга билдирилган юксак ишончнинг амалий ифодасидир.

Юртимиз бўйлаб олиб борилаётган бундай кенг миқёсли ислоҳотлар кела-жакка йўналтирилётган сармоядир. Бу сайд-харакатлар келгусида, албатта, юрга садоқат руҳида камол топаётган ёшларнинг чукур билим олишига, мамлакат таракқиётига даҳлдорлик хисси билан улғайишга, пировардида, истиқболи-мизнинг порлоқ бўлишига кенг йўл очади.

**Илҳом ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мұхбири**



Мамлакатимизда ёшларни халқимизнинг бебаҳо маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлар, илм-фан ёдгорликлари, санъат асарлари билан яқиндан танишишириш, уларда Ватанга муҳаббат, истиқолол ғоялигига садоқат түйгисини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амала оширилмоқда.

Фан ва маданиятига рivoжлантириш, аҳоли, айниска, ёшларда ватанпаварлик, тарихимиз ва буюк аждодларимиз мероси билан фаҳроланиш түйгисини кучайтиши мақсадида Музейлар ҳафталиги ўтказилди.

Истиқолол йилларида мамлакатимизда музейлар фаолияти тубдан тако-

Музейлар ҳафталиги

миллаштирилиб, уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Шу даврда бунёд этилган Темурйилар тарихи давлат музейи, Катагон курбонлари хотириши музейи, Термиз археология музейи сингари даргоҳлар халқимизнинг улкан бунёдкорлик ва маънавий салоҳиятини намоён этиб турибди. Самарқанд. Бухоро, Хива каби қадими шаҳарларимизда қайта таъмиларни, янгича қиёфа касб этган музейларда айни пайдай халқимиз тарихи ва маданиятига оид кўллаб экспозиторлар сақланмоқда.

Маданияти ва спорт ишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълими ҳамда Халқ таълими вазирlikлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигига 2—8 сентябрь кунлари ўкувчи-ёшлар, талабалар ҳамда томошабнайлар учун музейларда экспозицияни кўргазмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори бу борада мухим дастурламал бўлаётir. Эндиликда барча давлат музейлари ҳафталигини сенсанба ва жума кунлари болалар ва ота-оналарга белгулуга хизмат кўрсатмоқда.

Музейлар ҳафталигига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирисига багишланган дарслар, "Мустақил юрт ижодкорлари", "Истиқолол тенгдош ижодкорлари", "Мустақиллик берган бебаҳо нъемат", "Устоқ ижодкорларга эхтиром", "Ўзбек либослари жилоси" каби кўллаб кўргазмалар очиди. "Хунарлининг кули олтин" мавзусида маҳорат дарслари, давра сұхbatлари, уста-хунармандлар билан учрашувлар, илмий-амалий семинарлар ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида ташкил этилган "Мустақил юрт ижодкорлари" рангтасвир кўргазмасини томоша қўидик, — дейди Тошкент автомобиль йўлларини лойхалаштириш, куриш ва фойдаланиши институти талаваси Н.Рўзиева. — Кўргазмада Раҳим Аҳмедов, Ориф Муинов, Дилюром Мамедова, Акмал Нури, Анвар Мирсаоатов каби таникли мусаввиirlar Ватанимиз мустақиллиги, обод ва озод юртимизнинг тинч-осудалиги, тенгдошларимиз эришаётган улкан ютуклар ва марралар, сўлим кишлек, манзаралар, ҳаётидан мамнун, келажигидан кўнгли тўқ, бағрикен одамларимизнинг образларини моҳирона тасвирлашганки, кўриб мамлакатимиз учун янада фаҳрландик.

Кўргазмаларда истиқолол йилларида кўлга киритилган ютуқ ва марралар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва курдати, унинг ҳалқаро майдонда нуғузи тобора юксалиб бораётганин ранг-баранг экспозициялар орқали намойиш этилди.

Азима КИЁСОВА,
ЎЗА мухабири

ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорлиқда аниқ ва табиии фанларни ўқитиши сифат ва самарадорлигини ошириш, олиб бораётган ишларни сарҳисоб қилиш, аникланган муаммолар ечимини топиш, тизимга замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, ўқитувчиларни ижодкорлиги ва касбий маҳоратларни такомиллаштириш, илгор иш тажрибларини оммалаштириш, мазкур фанлардан дарс бераётган педагогларнинг нуғузини ошириш борасида мустақил юртимизда 25 йил давомида эришилган ютуклар, кенг кўллами ислоҳотларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида **2016 йил 8-9 ноябрь кунлари "Аниқ ва табиии фанларни ўқитишининг замонавий методологияси: муаммо ва ечимлар" мавзусида Аниқ ва табиии фанларни ўқитувчилари форумуни ўтказади.**

Форум **Математика, Физика, Информатика, Кимё, Биология ва География** йўналишларида иш олиб боради.

Форум материаллари тўплам ҳолатида чоп этилади.

Форумнинг расмий тили: ўзбек ва рус тиллари.

Маъруза тезислари матнларини тайёрлаш бўйича талаблар:

Тезисларда Форум йўналиши ва мақола мавзуси,

қисқача аннотация, муаллиф манзили, электрон почтаси ҳақида маълумот берилishi керак.

1. Microsoft Word матн мухарририда, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, A4 форматда, 1,5 интэрвалда, юқори ва паастдан 2 см, ўнгдан 1,5 ва чапдан 3 см қолдирилган шаклда тайёрланни керак.

2. Сарлавҳанинг ост қисмидаги муаллиф(лар)нинг исми, отасининг исми ва фамилияси, илмий дараҷаси, иш жойи кўрсатилади, сарлавҳадан сўнг бир интэрвал ташлаб асосий матн келтирилади.

3. Тезислар ҳажми A4 форматда 2 ёки 3 саҳифадан ошмаган ҳолда электрон вариантида 2016 йил 15 октябрга кадар қабул қилинади.

Талабга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этилади ва қайтарилимайди.

Форум ишида Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларининг профессор- ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари, методистлари ҳамда аниқ ва табиии фан ўқитувчилари иштирик этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

(0-371) 140-02-26, факс: (0-371) 140-02-26.

Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.

E-mail:uzpfiforum16@inbox.uz.

Ташкилий қўмита



Sinab ko'ring

So'ng quyidagi qoidani bayon qiladi: "Ildizlar sonini ikkiga bo'l, besh chiqadi, uni o'z-o'ziga ko'paytir, yigirma besh bo'ladi. Bunday yigirma birni ayir, to'rt qoladi. Bu ildizni ildizlar sonining yarmidan, ya'ni beshdan ayir, uch qoladi. Mana shu son sen izlagan kvadratning ildizi bo'ladi. Agar bu ildizni ildizlar sonining yarmiga qo'shsang, 7 bo'ladi. Bu ham sen izlagan kvadrat tenglamaning ildizi bo'ladi, kvadratning o'zi esa qirq to'qqiz bo'ladi".

"Uchburchak tengsizligi" mavzusi haqida so'z ketganda, yana Al-

Ajdodlarimiz ilmiy merosi

matematika fanini o'qitishda muhim ahamiyat kasb etadi

Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Muhammad Tarag'ay Ulug'bek, Salohiddin Muso ibn Muhammad Qozizoda Rumiy, G'iyosiddin Jamshid al-Koshiy, Mavlono Alovuddin Ali ibn Muhammad Qushchi Samrqandiy singari olimlar hozirgi zamon hisoblash tizimini kashf etdi. Manfiy va irratsional sonlar bilan ishlash yo'lini, ildiz chiqarish, qator tenglamalarni yechish metodlarini, Nyuton binomining umumiy formulasini topdi. Matematika darslarida mana shu kabi ma'lumotlarni yetkazish o'quvchilarning dunyoqarashi va tafakkuri kengayishiga sezilarli ta'sir etadi.

Dars jarayonida yoki fakultativ mashg'ulotlarda muayyan mavzularni tushuntirishda bu olimlar ijodidan foydalanish katta tarbiyaviy ahamiyatga ega. Jumladan, "Natural sonlarning belgilanishi" mavzusini o'tishda Al-Xorazmiyning "Hind hisobi haqidagi qisqacha kitob" asaridan foydalanish mumkin. Bu manba orqali barcha Sharq va Yevropa xalqlari hozirgi o'nlik pozitsion sanoq sistemasi bilan tanishdi. Qomusiy olim hindlarning to'qqizta raqami — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 yoniga 0 ni qo'yib istalgan sonni yozish mumkinligini ko'rsatib berdi. Bu o'rinda sonlarning hind va rim raqamlarida ifodalishiga to'xtalib o'tish orqali mazkur yangilikning ahamiyatini tushuntirish mumkin. Masalan, 1758 soni rim

risolasi", "Kitob ul-Muhammadiya" asarlarini orqali matematika tarixida birinchi bo'lib fanga "musbat" va "manfiy" atamalarini kiritadi hamda har bir son musbat yoki manfiy bo'lishini ayitib o'tadi. Ali Qushchi asoslagan "musbat" va "manfiy" atamalar, ularning tatbiqi matematika tarixida katta ahamiyatiga ega bo'lib, ajodimizning fanni rivojlantrishga qo'shang salmoqli hissasi hisoblani.

"Tenglamalarni yechish" mavzusini o'tishda Al-Xorazmiyning "Al-jabr val-muqobala" asari muhim manba bo'lib xizmat qiladi. Olim tenglamalarni "Al-jabr val-muqobala" usulida yechish to'g'risida fikr yuritadi.

"Ikki ifoda yig'indisi va ayirmasini kvadratga ko'tarish" mavzusini o'quvchilariga tushuntirishda Abu Ali ibn Sino ilmiy merosidan foydalanish mumkin. Olim "Donishnomha" asarida quyidagi $(a+b)^2=a^2+2ab+b^2$; $(a-b)^2=a^2-2ab+b^2$ ayniyatlarning geometrik isbotlarini keltirgan.

"Kvadrat tenglamani formula bo'yicha yechish" mavzusiga bog'lagan holda Al-Xorazmiyning "Al-jabr val-muqobala" asaridagi quyidagi misolni ko'rib o'tish mumkin: $x^2+21=10x$. Al-Xorazmiy shunday deydi: "Agar sen aytсангли, kvadrat va yigirma bir dirham o'nta ildizga teng, u vaqtida buning ma'nosini shuki, agar kvadratga yigirma bir dirham qo'shilsa, o'nta ildiz hosil bo'ladi".

Xorazmiy ilmiy merosiga murojaat qilish mumkin. Olim uchburchaklarni to'g'ri burchakli, o'tkir burchakli va o'tmas burchakllariga ajratib, bu holatlarni aniqlashtirish maqsadida uchburchak katta tomonining kvadratidan qolgan ikki tomonni kvadratlaridan katta bo'ladi. O'tmas burchakli uchburchakda uning kichik tomonlari kvadratlarining yig'indisi katta tomonining kvadratidan katta bo'ladi. Haqiqatan ham, uchburchak tomonlarni A, B, C bilan belgilab yozsak, to'g'ri burchakli uchburchakda a²+b²=c², o'tkir burchakli uchburchakda a²+b²<c², o'tmas burchakli uchburchakda a²+b²>c² bo'ladi.

Matematika fanini o'qitishda ba'zi notanish atamalarning qaysi tildan olingani va o'zbek tilidagi ma'nosini o'rgatib borilsa, bolalarning fanga qiziqishi bilan birga, lug'at boyligi va savodxonligi ortishiga erishiladi.

Alim MURODOV,
Romitan tumanidagi 1-maktab
o'qituvchisi

2016-yil 10-sentabr, № 73 (8930)

“Биринчи фарзандимиз Жасур ўн ойлигига юриб кетди. Аммо бирорта ҳам сўз гапирай демасди. Бизнингча, бу ҳол унинг муддатидан аввал юрганидан эди. Уч ёшида боғага борганида инжиқлик қиласвергани учун яна уйда тарбияладик. Аммо...”.

Аёл ўғлиниң тенгқурларидан фарқли эканини пайкаргуна “Тили чишиб қолар, ўғиг бола оғир-босик бўларкан, дугонамнинг боласи ҳам беш ёшида гапирган эди”, дейа ўзини овутиб, вактни бой берди. Тиббий хулосалар натижасида болага аспергер синдроми ташхиси кўйилди. Шифокор қабулида учроттанимиз — фарзандини минг бир машакқат билан парваришлайдиган онанинг кечинмаларини тингларканмиз, савол туғилади: боладаги аклий ва нуткий нуксоннинг илк алломатлари қандай? Унинг руҳий ривожланишдан орқада қолишига сабаб нима?

дэйди болалар невропатологи, педиатр Шаҳодат Маматова. — Болаларда ақлий ва руҳий нуксон туфма бўлади ёки моддалар алмашинувининг бузилиши оқибатида юзага келади. Бу бош мия нерв тизимининг ривожланишдан ортда колишидир. Баъзида эпилепсия, гидроцефалия, болалар мия фалажи (ДЦП), лейкодистрофия, бош мия ўсмалари каби бир қанча хасталиклар асоратида ҳам рўй беради. Гўдак уч ойлигидәк ташки муҳитга муносабат билдира бошлайди, кўриш майдони шакланади. Агарда бу даврда чақалоқ атрофдаги ранг-баранг буюмлар, мусика ёки



2016-yil — Sog'lom ona va bola yili



Софлом фарзанд — ота-она ва юрт қувончи



Нуксонли болалар камайган

Тибиётда 6000 дан зиёд тумга ва ирсий касалликлар аниқланган. Тадқиқчилар кейинги пайтада тумга касалликлар орасида аутизм нисбатан кўп учраётганини таъкидлашмоқда. Юртимизда оналар ва болалар саломатлигини аспаш, наслнинг генетик соғломлигини тъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. “Она ва бола” скрининг марказида перенатал текширувлар жараённида инвазив ташхислаш усулидан фойдаланилиши туфайли тумга нуксонли ва ногиронликка олиб келувчи генетик синдромлар билан туғилишининг олди олинмоқда. Натижада, 2005 йилдан бўён тумга нуксонли болалар туғилиши 1,3 баробарга камайган.

— Бундай ноxуш вазиятларда ҳомиладор аёлнинг юқумли касалликлар аёлнинг оғир туғрук жараённи бошдан кечириши, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ сабаб бўлади, —

шовқинга бефарқ бўлса, турли товушлар чиқармаса, ўз хонасига киргандга хурсандлиги сезилмаса, даррор мутахассис қабулига бориш керак.

Онинг ҳомиладорлик пайтида ўод препаратини истеъмол қилиши фарзандида кўриш, эшиши, диққат, сезиши қобилиятлари яхши ривожланишига хизмат қилади.

Амалий машғулотлар самараси

“Келиним ҳомиладорлик пайтида ўод препаратини истеъмол қилиши фарзандида кўриш, эшиши, диққат, сезиши қобилиятлари яхши ривожланишига хизмат қилади.”

Фарзандларни кўрганимда ич-ичимдан севиниб кетаман.

Сабинанинг бувиси”.

Юнусобод туманинда 560-максус мактабгача таълим муассасаси машгулоти хонасида “Ўйга вазифа” дафтиридаги ушбу мамнуниятни ўқиб, гурух дефектологи Шахноза Болтаева. — Ҳар ҳафтада ота-оналарни йигиб, ойна олдида туриб, турли детал ёрдамида бажариладиган методик кўрсатмалар берамиш. Масалан, бола кафти орасига каламни кўйиб тебратиши, коптоқда “Ол, бер” ўйинини ўйнаши, “Қалдириғоч” шеъри орқали санашини ўрганиши мумкин. “Лайлак” шеърида “лай-лак” дейа бўғин тақрорлашни машқ килишади. Кейин биринчи мисрага диккат қартилади: “Ажойиб күшдир лайлак”, “Ногора чалар так-так” да болалар кўлидаги таёччани столга уришади, “Оёги узун-узун” да кўллар оёққа тушади, “Узмайди сувдан кўзин” мисраси айтилса, ҳамма у ёқ-бу ёққа қараб, босини сарак-сарак қилади. Шу қисқа машгулот ҳам болаларнинг таянч аъзоларини согломлаштириб, нуткий ривожланишига кўмак беради.

Болаларнинг ақлий фаoliyини ошириб, руҳияти ҳамда хотирасини мустаҳкамлаш учун унга эрта тонегда ёнгоқ бериси фойдали. Бундан ташқари, балиқ бола мияси учун ноёб озуқадир. Унинг таркибида енгил ўзлашириувчи оқсил, фосфор, ўод моддаси ва бошқа микроЭлементлар мавжуд. Шу боис ҳафта-

да бир марта балиқни димлаб пиширган ҳолда едириш лозим. Тухум саригида эса бош мия қон томирларини яхшилашдиган холин элементи бор.

Максус боғчадан — мактабга

— Бугун масканимизда 140 нафар ўйил-қиз тарбияланётган бўлса, уларнинг кўпчилиги мустақил равишда шеър-кўшиқ ёлдаб, расм чизаётгани қуонарлидир, — дейди 560-максус мактабгача таълим муассасаси мудириаси Дилрабо Султонова. — Ўтган йилги тайёрлов гурухидаги 12 нафар боладан 7 нафари соғлом тенгдошлири катори мактабда ўқишига қабул килинди. Бундай натижага эришишда қичкентойлар кайфиятини кўттарувчи шартшароитлар яратилган максус зал, бассейн ва физиотерапия хоналарида ўтказилаётган машгулотларда ўз ишига пухта ёндашайтган тажрибали педагог, шинфокор ва дефектологларнинг ҳиссаси катта. Болалар ёпига бассейнда тарбия ёрдамида сузишини ўрганиб, жисмоний-коррекцион машқларни бажаришади. Ҳамширлар ҳамир, мosh каби табии маҳсулотлар ёрдамида қичкентойларнинг мимик мушакларини уқлашши ҳам яхши самарга беради.

Болаларнинг ақлий фаoliyини ошириб, руҳияти ҳамда хотирасини мустаҳкамлаш учун унга эрта тонегда ёнгоқ бериси фойдали. Бундан ташқари, балиқ бола мияси учун ноёб озуқадир. Унинг таркибида енгил ўзлашириувчи оқсил, фосфор, ўод моддаси ва бошқа микроЭлементлар мавжуд. Шу боис ҳафта-

Шоира БОЙМУРОДОВА,

“Ma'rifat” мухбари

Суратларда: Юнусобод туманинда 560-максус МТМ машғулотларидан лавҳалар.

Б.РИЗОКОУЛОВ
олган суратлар.

“Ўз даврининг ниҳоятда обрўли, хурмат-эътиборга сазовор кишиси бўлган бир саводгарнинг ягона фарзанди ўғрилик билан кўлга тушибди. Егани олдида, емагани кетида бўлган болали ўз ҳамқишига уйига кириб, кўзичоқ ўғрилашига нима мажбур қўлганини ҳеч ким тушуши олмабди. Ўелининг қилишидан юзи шувет бўлиб, номусга колган ота таажжубуда. Ахир, у фарзандини ҳалол едириб-ичирган, таълим-тарбияси учун яхши устозларни жалб қилиб, Яратгандан унинг яхши инсон бўлиб вояжга етишини сўрган экан.

— Нахотки, шунча уринишларим зеетеган бўлса, қайси жойда хатога ўйлаб, кейин суришириб билса, ҳомиладорлик пайтида, она кўнгли суст кетиб ҳамсояси боғидан бир дона олма узиб еган экан?

— Ўелингизнинг қўли эргилиги сабаби ана шунда, — дебди донишманд. — Оласининг қорнидаёт унинг тарбиясига пуртур етган.

Инсон тарбияси у түғилмасданоқ бошланади, дейлишининг сабабини юкоридағи ривоят ҳам тасдиқлайди. Илк тарбиячи онадир. Шаркда, айниқса, ўзбек халқида азалдан келин танлаш учун кизнинг насл-насаби суриштирилган: палаги тозами, йўқми? Хусни жамолда тенги йўқ, аёл эмас, балки бола тарбиясини жойига кўйган аёллар гўзал ҳисобланган.

Когон туманидаги Ҳўка-Якшабада қишлоғида яшовчи Голибжон Самадов ана шундай оқила онанинг тарбиясини олган. Файратли, билимдон ва тиришок бу йигитнинг эътироф этса аригулик ютуклари талайгина. Голибжон тумандаги 1-идумда тарих фани ўқитувчи сифатида ўз афолигити ни бошлаган илк йилданоқ арзирли натижаларни кўлга киритиб келмоқда. У сабоқ берадётган ўқувчилар фан олимпиадаси ва билимлар беллашувининг худудий босқичларидан олиб бўлишмокда. Ёш бўлишига қарамай, ижобий натижаларни кўлга киритиб келаётган ташаббускор йигит ўтган ўқув йилида “Энг яхши маънавият билимдени” кўрик-танловининг

республика босқичида фахрли 1-ўринни эгаллади.

— Барча ютукларим учун ёнг аввало онамдан миннатдорман, — дебди Голибжон.

— Чунки у мени ҳар бир ишда голиб бўлишга ундайди, дуо қиласди. Она дуосининг олтинги тенглигини ҳаммамиз яхши биламиш.

— Аёлнинг ёнг катта ютуги кобил фарзанд тарбиялай олганидир, — дебди онаси Хурмат Турсунова. — Зоро, Абдулла Авлоний айтганидек, аёлнинг мукаддас вазифаси, миллатга бўй ва эн бўладиган фарзандларни ўстиришдан, тарбиялашдан иборатдир. Когон туманидаги 3-мактабда директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлайман. Ўқитувчи ўқувчи назаридаги мукаммал шахс бўлиши лозим. Оиласда ибратли бўлса, бу унинг яна бир сифатидир. Фарзанди нокобил, безори ўқитувчига ким ҳам ўз жигар-

банди тарбиясини ишониб топширади? Ўз фарзандини эплаб тарбиялай олмаган ўқитувчи ўзгап дилбандига нима ҳам бера оларди? Гўдаклигидан ўғилларим тарбиясига жиддий қараганман. Уларни ортиқча эркалтишдан, ҳоҳиш-истагини бажаришдан, ҳаддан зиёд назорат килиш ва чеклашдан тийилганиман. Уларнинг пухта билим эгаллаши учун кайғураман. Ҳар куни кундакликларини текшириш, ўзлаштиришини суришириш — мен учун одатий ҳол эди. Бирор бўшлиқ сездимми, дарров кўшимча машгулот ташкил

кўмондонлик-муҳандислик билим юрти талабаси, кенжам Зуҳриддин эса Бухоро автомобил ва ўйлар касб-хунар коллежини тутгади.

— Киз фарзанд тарбиясида онанинг таъсири катта, — дебди Когон шахрида яшовчи “Бухоронома” газетаси муҳбири Шаҳло Бақеева. — Одатда, киз болани турмушга узатишдан аввал турли сара кийимлар, кимматбахо тақиёнлардан сеп յифамиз. Савол туғилади, нима учун китоб эмас? Грузинлар қиз

бир куни келиннинг эгнида эскиради. Лекин китобчи, у бокий бойлик эмасми? Келин бўлиб тушган дамларим эсимда. Бир сандиқ китоб олиб келганимда, кўчлилик хайрон қолган. Китоб жавонимда шундан бери канчаканча асарлар тўпланди. Фарзандларим ҳам менга ўхшаб китоб ихломанди.

— Онамдан бир уйр миннатдорман, эртак ўқиб бергани, шеърлар ёд олдиригани учун, — дебди Шаҳю опанинг тўнгич фарзанди Шаҳрибуон Маҳмудова. — Эртаклар, айниқса, “Бўри ва кўзичоқ” масали ҳамон ёдимда.

Китоб ўқиб, қалбидаги адабиёт ва шеъриятга муҳабат уйғонган бу киз ҳаваскор ижодкор. У “Шоҳбайт” номли китобча муалифи. Шаҳрибуон ҳақида Япония нашрларидан биррида мақола ўзлон қилингани тўғрисида ги хушхабар Шаҳло опанинг кўнглини тоғдек юксалтириди.

— Тўнгич фарзандимдинг ютуклари ука-сингиллари учун ибрат бўлмокда, — дебди Шаҳло опувиони. — Улар опасидан ўнрак олишапти. Чарос Бухоро тиббиёт коллежи ўқувчиси. Малика мактабда ўқиб, уйда гул парвариши билан шугулланади. 5-синфга ўтган Мироншоҳ эса спортнинг кикбоксинг турнир бўйича шахар ва туман чемпионатларидаги сорвирни ўринларни қўлга киритиб келмокда.

Оиласи дарахтга мензасак, унинг илдизи ота, танаси она, япроқлари фарзанддир. Япроқ илдиз орқали танадан озиқланади, фарзанд эса ота-она тарбияси билан камолга етади.

Иродда ОРИПОВА,
“Ma'rifat” муҳбири

Оила мисоли улкан дарахт

килганман. Ҳар учала фарзандим ихтисослаширилган мактабда таълим олди. Аксаидан ўнрак олган уқалари ҳам ниҳоятда тиришкоқ. Иккинчи фарзандим Файрат Самарқанд олий ҳарбий автомобиль

узатишса, унинг сепига “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” китобини кўшиб беришар экан. “Нега энди ўзбек қизларига “Алломиш” ёхуд “Хамса”ни сеп қилиб бермаймиз? Мато, кийим



Кизлар билимдон, соғлом ва ораста бўлсин

Азалдан шундай: қиз бола — ҳаёб, ибоси билан гўзал ҳисобланган. Унинг оиласида она, буви тарбиясими олиб, ҳаётга ҳар жиҳатдан тайёрланниша ҳикмат кўп. Пиру бадавлат буви ва момолар, фаҳм-фаросатли оналар қиз бола тарбиясига жиҳдий ёндашиб, унинг шаъни, иффати ҳар нарсадан устун туришини таъкидлашади. Аммо дунёда рўй берадётган глобал ўзгаришлар, ҳаётилизига кириб келаётган замонавий технологиялар фарзандлар, айниқса, қизлар тарбияси борасидаги ишларимизни қийинлаштириб юбораётгани ҳеч биримизга сир эмас. Шундай мураккаб шароитда қиз болани мустақил ҳаётга ҳар жиҳатдан муносиб тарбиялашга қандай ёндашиб керак? Суҳбатдошларимиз фикрига қулоқ тутиб кўрайлик-чи...

Дилшода Абдуназарова, Бойсун туманидаги 35-умумтаълим мактаби директори:

— Киз боланинг кейинги тақдиди учун мактабда пайдевор яратилади. Уларнинг умумтаълим фанлари асосларини пухта ўзлаштириши баробарида одоб-ахлоқ қондадарни эгаллашига жиҳдий ўтибор каратиб келяяпмиз. Таълим даргоҳимизда “Ораста қизлар” тўғараги ташкил этилган бўлиб, унга қизлар билан чин кўнгилдан сирлаша оладиган зиyrak педагог Ойсанам Мўминова масбул. Ҳаттоқи, бошлангич синф ўқувчиларини ҳам тўғаракка биртирирдикки, улар иш ёш давриданоқ қизларга хос фазилат-

ларни ўзлаштириб боришин.

Ҳар бир синфдан аълочи, тартиб-интизомли қизнинг сардор сифатида тайинланши Ойсанамнинг ишини анча осонлаштиримокда. Муалимма қизларнинг ёшига мослаб турли мавзуларни сардорнинг ҳукмига ҳавола эта-ди. Ҳафтанинг жума кунини қизларни митиқилик билан кутишиади. Шу куни улар белгиланган мавзу бўйича баҳс-мунозарәга киришади. Охирги марта ўтказилган давра сұхбатига тўғракнинг катта ўшдаги 135 нафар аъзо-си ва уларнинг оналари, момолари ҳамда Бошработ қизлар врачлик пункти мутахассисларини таклиф қилиб,

ўқувчи қизларнинг тиббий ва маънавий билимларини бойитдик.

Бу йил мактабимизни битирган 60 нафар ўқувчидан 35 нафари қизлар бўлиб, уларнинг асосий қисми тумандаги маший хизмат кўрсатиш касбхунар коллежида ўқиши давом этирмокда.

Сайлихон Райимжонова, Наманган туманидаги «Ўзбекистон» қизлоск врачлик пункти бош шифокори:

— Киз боланинг соғлом ривожла-ниши унинг кела-жаҳда соглом фар-зандни дунёга келтириши. Врачлик пункти-миз тасарруғидаги Шамсиқўл, Оқ ер, Шўрқўргон қизлосклари ахолисига тиббий хизмат кўрсатиш жараённида саломатликнинг асосий талабларидан бири — кўпроқ ҳарқатада бўлиш эканлигини ўқтириб келамиз. Мавжуд 13946 нафар аҳолининг 2200 нафари ўсмирилар бўлиб, улар 8,10,11-умумтаълим мактабларида таълим олади. Уларни белгиланган режа асосида ийлиги иккита маротаба тиббий кўриқдан ўтказиб, соглом турмуш тарзи, шахсий гигиена, ўсмири киз организмидаги кузатиладиган турли физиологик ўзга-

ришлар ҳақида тушунча бериб борамиз.

Дилбар Йўарова, Самарқанд вилояти Иштиҳон туманида яшовчи меҳнат фахрийси:

— Киз боланинг юриш-туриши, ўзини тутиши оиласида олган тарбияни англатиб туради. Ҳалқимиз нақл кила-дикни, “Онасины кўриб, қизини ол”. Демак, она қандай бўлса, қизи унинг андозасидир. Она қизининг келажакда ўзга хонадонга узатилишини доимо кўз олдига келтириб, унинг бахтли-саодати бўлиши учун зарур хислатларни ўзлаштирига кўмаклашаси, унга фақат раҳмат ёғилади. 17 нафар не-варадан 12 нафари қиз бола бўлиб, тўнгични Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўқиши. Катта она сифатида уларга аввало хушумомалалини, миљий либос танланши, ўрбўзгор ишларидаги батартибликин ўтириб бораман. Кўриб-кузатиб юраман, ҳоҳ қизлоск шароити бўлсин, ҳоҳ шаҳар муҳити, қизлар онги, одоб-ахлоқи турили ташкини ва ички тасирларни тартиблашади. Ҳаттоқи-ҳарқатидаги салбий ҳолатларни сезмаймиз. Невара қизларимга ҳар бир масалада етти ўлчаб иш тутиши, тўғри қарор қабул қилиш пушаймонлик келтирилмаслигини айтаман. Қиз бола қаҷондир ўзга оиласа келин бўлиб тушади. Агар уни оила мухитида рисоладагидек тарбия қўйсан, у ўша хонадонга баҳт ва барака олиб киради.

Хўлкар ТЎЙМАНОВА, “Ma'rifat” муҳбири

Меҳр-муруват байрами

Шу кунларда барчамиз Исломдинининг улуг байрамларидан бири — «Ийд ал-адҳа», яъни Курбон ҳайитини катта тантана билан нишонлашга тараффуд кўраяпмиз. Абдулоҳ ибн Курт розиялоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг хузурида кунларнинг энг улуғи (курбонлик) сўйиш кунидир. Сўнгра қарор топиш кунидир. Дедилар» (Абу Довуд ривояти).

Юртимиз истиклолга эришганининг илк йиллариданоқ мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида миллӣ ва диний қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Жумладан, улуг олим уламоларимиз мангу қўним топган жойлар ободонлаштирилиб, мукаддас зиёратгоҳларга айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Вижон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши жамиятимизда диний бағрикенглик, тинчлик ва фаронвонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Юртимизда ўн олти диний конфессияга мансуб 2 минг 238 диний ташкилот, 130 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат 140 миллӣ-маданий марказ, Имом Бухорий ҳалқаро маркази, Тошкент ислом университети, ислом институти, Мусулмонлар идораси тасарруфидағи диний таълим муассасалари, проваслав ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Минглаб масжидларнинг фаолият юритаётгани, юртдошларимиз Ҳаж ва Умра зиёратларига эмин-эркин бориши имкониятига эга бўлгани ҳам истиқлол берган имкониятдир. Энг муҳими, мам-

нинг бизга берган улуғ неъматидир. Эътиборлиси, барча дин вакиллари ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этишмоқда. Жумладан, ислом динининг иккни улуғ байрами — Рамазон ва Курбон ҳайитларининг республикамида умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни этиб белгилангани бу кунларни бизга янада ҳалқчил, файзли ва ардоқли қилмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Курбонлик қонининг биринчи томчиси ерга тушиши билан курбонлик қуловчининг ўтган гуноҳлари кечирилади», деб башорат берганлар. Зоро, курбонлик қилиш Аллоҳ таолони улуглаш, берган неъматларининг шукронасини адо қилиш ва нафсоний иллатлардан покланишидир.

Пайғамбаримиз Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинган ҳадисда: «Бу кунларда қилинган яхши ишлар бошқа кунлардагидан Аллоҳ таолога суюклидир», дейилган (Имом Бухорий ривояти, «Саҳиҳи Бухорий»). Яхши ишлар эса Аллоҳ таоло ва Унинг суюкли Пайғамбари Мұхаммад айахиссалом рози бўлган ишлардир.

Бу табаррук кунлар фазилатидан насиба олиш учун биз, мусулмонлар нималар қилиши миз керак? Биринчидан, ортга боқиб, ўтган умримизни сархисоб этишимиз, гуноҳ ва хатоларимизга тавба-тазаррулар қилишимиз лозим. Гуноҳни англаш абадий соадатга эришишнинг бир шарти бўлса, тавба ила яхши амаллар қилишга ўтиш унинг кейинги шартидир.

Буни барчамиз чуқур ҳис этиб, мамлакатимизда ҳукм сурәтган тинчник ва осойишталик, барқарорликни асррабавлаш, мустаҳкамлаш учун курашишимиз лозим. Биз шундай фазилатларга эга бўларканмиз, ҳеч қандай ёвуз куч осойишталигимизга путур етказа олмайди.

Бу борада Аллоҳ таоло Куръ-

Қурбон ҳайити кунлари қилиндиған яна бир вазифамиз — меҳрга ташна инсонларга байрам хурсандчилиги, хушнуд кайфият улашишдир.



они каримда шундай баён қилган:

“...Эзгулик ва такво (йўли)-да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоварат (йўли)-да ҳамкорлик қилмангиз...”. (Моида сураси, 2-оят).

Ҳайит кунлари Аллоҳ таолога севимли энг яхши иш — қодир бўлгандарнинг Аллоҳ йўлида курбонлик қилишидир.

Бу муборак кунларда, шунингдек, қишилар ўртасидаги меҳроқибат, мурӯрувват, ҳамкорлик ва бирордарлик янада мустаҳкамланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига мувофиқ байрам кунлари мўминлар ахлоқига мос ва хос бўлган ўзаро саломлашиш, дийордлашиш, бир-бирини ҳайит билан кутлаш каби фазилатлар кўпроқ намоён бўлади. Ота-онаримизни, устозларимизни, қариндош-уруг, ёр-биродарларни, бемор ва меҳра мұхтожларни зиёрат қилиш, ҳолаҳвол сўраш, уларга ҳадялар бериб, ширин сўзлар билан хушнуд этиш мусулмон кишининг эзгулини фазилатидир.

Аллоҳ таоло қаломида шундай марҳамат қиласи:

«(Эй Мұхаммад,) қавми-қариндошага, мискин ва ўйловчига (хайру эҳсон қилиш билан) уларнинг ҳақларини адо этинг ва исрофга йўл қўйманг!». (Исро сураси, 26-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин киши ўзи тўқ бўлатуриб, кўшинисини оч қўймайди» деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Курбон ҳайити кунлари қилиндиған яна бир вазифамиз — меҳрга ташна инсонларга байрам хурсандчилиги, хушнуд кайфият улашишдир. Аҳли аёлларимиз, фарзандларимизни ҳам

 Qadriyat

табриклаб, совғалар билан сийлайлик. Шифононаларда, хона-донднларда бемор ётган яқинларимизни йўқлаб, тезроқ соға-ишишларини тилаб, дуолар қиласилик.

Шу ўринда хурсандчилик, бай-

Бу муборак кунларда, шунингдек, қишилар ўртасидаги меҳроқибат, мурӯрувват, ҳамкорлик ва бирордарлик янада мустаҳкамланади.



лакатимизда диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаёт. Шунингдек, фан, таълим, тиббиёт, спорт каби турли соҳаларда ҳам улкан марраларга эришаётганимиз, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги, фарзандларимизнинг эмин-эркин ўсиг-улгаяётгани Аллоҳ таоло-

рам кайфиятига соя солиб кўётган бир иллат ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни, Аллоҳнинг амр-Фармонларидан, Пайғамбар алайҳиссалом кўрсатмаларидан чекинилган айрим жойларда исрофга олиб борувчи турли маросимлар ўтказиш одатта айланб қолган. Ўтказиладиган «янги ҳайит», «фотиҳаҳонлик», «ҳайит йўқлови» каби маросимлар бидъат ва исрофдан бошқа нарса эмас. Ана шундай шариат ман қилган исрофгарчиликлар, ҳайит хурсандчилигини аза ва мотамга айлантиришлар мусулмонларга асло муносиб эмас. Бунинг устуга «Енглар ичинглар, лекин исроф қилманглар», деган ҳадиси шариф ҳам бор. Бу маросимларга кетадиган маблағ ва неъматларни бева-бечора, етим-есир, мұхтожларга тарқатишдан ҳайрлироқ иш бўлмаса керак!?

Ахир Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу кунда янада меҳрибонроқ, шафқатлироқ бўлар, етим-есирлар бошини силар, қариялар, қасалмандлар, мұхтожлар ҳолидан ҳабар олар эдилар. Шунинг учун бу кунни яқинларимизни йўқлаб, уларнинг ҳолидан ҳабар олиш, ёшли улуғларни зиёрат қилиш, мұхтожларга меҳр-муруват кўрсатиш, оиласларга хурсандчилик улашиш, ва умуман, байрамнинг кўркига кўркадиган амали солиҳлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқидир. Бу кунда гина-кудуратларни унтиб, кечиримли бўлиш лозим.

Рахматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Юнусобод тумани
бош имом-хатиби,
Тошкент ислом институти
ўқитувчisi, «Мирза Йусуп жоме
масжиди имом-хатиби

Кўпчилик ҳаётини сермазмун ўтиказиш, ўзидан кейинги авлодга маънавий-моддий мерос қолдиришга интилади. Асосий мақсаддан оғишгапда эса, худди тарозининг бир палласи иккинчисидан оғирорқо келганни каби номақбул ишларга берилиб кетиши мумкин. Шу боис аксарият психологлар, социологлар ота-оналарни глобаллашув шиддатидан куч олиб катталашиб бораётган «майд» таҳдидларга бефарқ бўлмасликка чақирмоқда. Хусусан, катта ёшдагилар навқирон авлод вакилларини айни кунларда дунё миқёсида оммалашиб кетган салбий интернет ўйинлари айниқса, «Pokemon Go» ўйини домига тушиб қолишидан асрashi лозим.

бошқараётуб мазкур ўйинни ўйнаш ман этилган. РОССИЯДА АЙРИМ ИНСОНЛАРНИНГ ЎЙИН ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ТУТИШИ БАҲОНА КИЛИБ, АСЛИДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КЎРИКЛАНДИГАН МАХСУС ХУДУДЛАРГА КИРИШГА УРИНАЁТГАНИ АНИҚЛАНДИ. АЙНИ ЛАЙТДА ХУҚУҚШУНОСЛАР СОХТА "ПОКЕМОНЧИ"ЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МАСАЛАСИНИ КЎРИБ ЧИКМОҚДА.

Интернет ўйинлари — хатарлар қўнфироғи

Уни биргина «Pokemon Go» мисолида ҳам кузатиш мумкин

«Niantic» компанияси 2016 йилнинг 6 июль сана-сида фойдаланувчиларга тақдим этган мазкур ўйин интернетнинг «кудрати» сабаб кисқа фурсатда дунё бўйлаб тарқалиб кетди. Бу ўйин бошқа «вақт ўрилари»дан фарқли равишда виртуал воқеаларни реал ҳаётти боялаши билан ётиборни ўзига тортаятти. Яни, фойдаланувчи 151ta ёввойи покемонларни овлаш учун кўча бўйлаб юриши, тўплланган «жангчи»лар билан махсус машрутлар олиб бориб, ваҳшийларга қарши курашиши лозим. «Pokemon Go»да 90-йилларда машҳур бўлган «Pokemon» мультфильми қаҳрамонлари иштирок этгани боис фойдаланувчиларнинг катта қисмини боловлиқ чоғида берилиб мультифильм кўрган 25—30 ёш оралиғидаги инсонлар ташкил этмоқда.

Покемономания

Мутахассисларнинг таъкидлаши, бугунки кун одамлари орасида «action», яъни харакатли (жангари саҳналар, муштлашувлар ва хоҳазо) ўйинларга талаб юқори. Шу сабаб «Pokemon Go»нинг ҳам ишқибозлари кўпаймоқда. Хавотирил тоғани шундаки, унда интернет-фаоллик мавжуд, бу эса ўйинга бўлган қизиқини ошириб, ўзига соат сайнин боғлаб олаверади. Шу кунга қадар «Google Play» орқали белгиланган худудлар, яъни АҚШ, Янги Зеландия, Австралия, Германия, Буюк Британия, Бельгия каби давлатларда яшовчи 10 миллион кишининг мазкур ўйинни юклаб олиши ортидан ўйин лойиҳаси муаллифлари бемисл даромад кўраётганига қарамай, норасмий раввишда бошқа давлатларни, унда яшаётган минглаб ўйил-қизларни ўзига "маҳлиё" этмоқда.

Ўйин муккасидан кетганилар ҳар куни камида 1 соат вақтини маҳкумчаларни овлаш билан ўтказмоқда. "Покемономания" хасталигига чалинган ишқибозлар билан содир бўлаётган ноxуш

холатларни ўшитган инсон эса ёқасини ушлаши тайин. Мисол учун, америкалик полиция ходимларининг иш вақтида «Pokemon Go»ни ўйнаб, кузатувдан чалғиши оқибатида катта-кичик жиноятлар содир этилгани, атрофига қарамай қўлидаги смартфонига тикилиб кетаётган ҳомиладор аёлнинг йўл-транспорт ҳодисасига учраши, АҚШ-нинг Пенсильвания штатидаги 15 ёшли кизнинг машина фидирлаклари остида қолгани, 10 ёшли шотландиялик болакай смартфонидан мазкур ўйинни ўчириб ташлаган ота-онасига жаҳз қилиб ўйидан кочиб кетгани, ушонган жиноятчиларнинг эса оммавий покемон «овиг»га чиқкан одамларга тегиши киммат баҳо буюмларни ўғирлаб кетиши, Японияда эса август ойининг сўнгига қадар ўйин билан боғлик 80га яқин баҳтсиз ҳодиса содир бўлгани, сентябрь ойидаги ҳам бундай воқеалар тақрорланётгани покемономания хасталигига дучор бўлганларга сабоб бўлмайти.

Ўйиндан ўт чиқди...

Юқоридағи хавфларни аниқлаган ва мамлакат келажаги ҳақида қайгураётган аксарият давлатларда ўйинни тақиқлашга доир чора-тадбир дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, «Bloomberg» нашри «Pokemon Go» ўйини билан ўтган ойларда 45 миллион фойдаланувчи бўлганларга сабоб бўлмайти.

Бундай тақиқлар факат Эрон ёки Саудия Арабистонида эмас, дунёнинг турли нуқталарида кузатилмоқда. Жумладан, Индонезияда "покемон тутиш билан шуғулланган" мансабдор шахслар ишдан хайдалади. Португалия ва Австралияда транспорт воситасини

АҚШлик психологларнинг таъкидлашича, ўйин ўйнашга берилиб кетган айрим ёшлар, четдан қарангандаги, ёвуз қаҳрамонларга таъзим қилаётгандек туюлади. Жамоат жойларида мониторга тикилганча бошини ҳам қилиб ўтирган, ўз хайларига ўралашиб, қаерда юрганини унтиби, покемонларни овлаш илинжидаги ҳатто серқатнов тикилларга ҳам чиқиб кетаётган, тўғри йўлда ҳам қоқилиб, бир-бира билан урилаётган "асир"ларнинг хатти-харакатлари ўшларга таъсир кўрсатмаслиги учун катталар хушёрликни ошириши лозим.

Мутахассислар бу бемаъни ўйинни ўйнаш ўрнига болаларга китоб мутолаҳа қилиш мухимроқ. Ҳа, бугун интернет воситасида яхшиликлар қатори, инсониятни боши бери кўчага элтувчи "оммавий маданият"лар ҳам кент қанот ёзмоқда. Тобора оғирлашиб бораётган ижтимоий-сиёсий, молиявий ахволни янада оғирлаштиришмоқда. Яқинда Сингапур ҳуқук-тартибот органи ўйинга чалиғи серқатнов кўчада тўхтаб қолган пиёда ва уни узоқ вақт кутиб, жазавага тушган хайдовчи ўртасидаги жанжал юзасидан жиной иш очди. Натижада жамоат тартибини бузгани ва оммавий тартибизиликни келтириб қиқаргани учун ўша покемон овчисига 3,7 минг АҚШ доллари миқдорида жарима солинди.

Жорий йилда Англияниг "Манчестер Юнайтед" клуби бошқарувини кўлга олган таникли мутахассис Жозе Моуринью жамоага турли тақиқ ва чекловлар кўйди. Унинг "қизил иблис"лар" билан боғлик илк тақиқлови айнан шу ўйинни ўйнамаслика қаратилди. Аниқроги, кийиниши хонасида «Pokemon Go» ўйнашни катьянин ман этиди. Мураббийнинг фикрича, мазкур ўйин футболчиларнинг фикрини чалғитиб, масъулиятли учрашувга жисмоний ва руҳий тайёрланишига халал бераркан. Чиндан ҳам, ушбу ўйиндан воз кечилгач,

Дунё миқёсида ядрорий куроллар таҳдидидан кўра ахборий таҳдидлар ортиб, тобора авҳ олайтган замонда қалб ва тафаккурни турли кусурлардан, ноинсоний тўйғуларни рабатлантирувчи омиллардан асраш ниҳоятда мумхимдир.

Шу ўринда, келинг, ётиборингизни Канадада со-



Oqohlik — davr talabi



"Манчестер Юнайтед" клуби Англия чемпионати доирасида учта ўйин ўтиказиб, барчасида галаба қозонди ҳамда 9 очко жамғариб, турнир жадвалида етакчилар сафида бормоқда.

Вақт — олий неъмат

Жамиятда ўз ўрнини топган ёки топшига интилаётган, ўз олдига юксак мақсад қўйган одамлар вақт нечонлик бебаҳо бойлик экжанини, унинг ҳар бир соњисидан унумли фойдаланиш кераклигини англайди. У меҳнат килганига яраша дам олиб, ҳордик чиқаришни ҳам билади. Аммо мониторга тикилиб, кўз нури ва асад толаларига зиён келтирувчи, ҳаётини чинакам ҳафъ остида колдирувчи "кўнгилочар" машгулотлар билан банд бўлишдан ўзини асрайди.

Колаверса, замонавий тиббиёт ҳам ҳордик чиқаришнинг самарали усуларини тавсия этади. Масалан, ақлий меҳнатдан толиккан кишилар жисмоний меҳнат қилиши, жисмоний меҳнатдан чалғимоқчи бўлганлар эса ақлий меҳнат билан машгул бўлиши лозим. Бундан кўриниб турибдик, ҳордик чиқариш ҳам инсонга қандайдир ҳам кефтириши лозим. Мазмунли китоб ўқиши, театрга бориши, долзарб муаммолар кўтарилиган бадийи фильм томоша қилиши, тил ўрганиш, турли тўғараклар, юқорида айттанимиздек, спорт билан шуғуланиши инсонни камолотга етаклади.

Шуқрки, юртимизда «Pokemon Go» ўйини асирига айланганларни учратмаяпмиз. Аксарият ватандошлиримиз, айниқса, мактаб ўқувчилари мазкур ўйинни ўйнашдан кўра дарсларни пухта ўзлаштириб, ўймушларида катталарга ёрдам беришина афзал кўрмокда. Уларнинг маънавий иммунитети мустаҳкам бўлиб, турли мағкуравий хуружларга қарши турла олади, соғлом турмуш тарзига мунтазам амал қиласди. Бинобарин, бебаҳо фурсатларини ўз ихтиёри билан "ўғри"ларга тутаётган «покемон овчи»лари руҳиятида эса тобелик, ваҳшчиллик, бепарвонлик каби хислатлар томир отиб боради. Натижада улар жамият учун хавфли шахсларга айланади. Бу барчамидан хушёрликни талаб этади.

Хамида УСМОНОВА
тайёрлади.

2016-yil 10-sentabr, № 73 (8930)

Курилмаларни янгича кувватлантириш усули

Хитойлик олимлар тана ҳароратидан куч олиб, тоқ ишлаб чиқарувчи қувватлантиргичларни яратмоқчи, деб ёзди "Chemie International Edition" журнали.


Электрон курилмалар қулай, ихчам ва тежамкор бўлгани сайин уларни қувват билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор кучаймоқда. Чунки анъанавий аккумуляторлар оғир, мурракаб ва хавфли эканни инкор этиб бўлмайди. Шу сабаб зарядловчи ускуналарнинг янги авлодини яратиш борасидаги тадқиқотлар кенг олиб борилмоқда.

Хуачжун илм-фан ва технология университети профессори Цзюнь Чжоу ва унинг ҳамкаслари тўғридан-тўғри кийимга интеграциялаш мумкин бўлган оддий термоэлектр тизимни таклиф этди. Бунда бир жуфт электрод электролит аралашмасига солиниб, ҳарорат градиенти назорат қилиб турдилади, навбатдаги босқичда эса занжир бўйлаб электроҳарақатлантирувчи куч юзага келади. Шу кунта қадар термоэлементлар устида узоқ йиллар давомида изланниш олиб борилган бўлса-да, инсон тафти ва ҳаво ўргасидаги ҳарорат тафовути сабаб куттилган самарага эришилмаган. Мазкур илмий хуласадан келиб чиқиб тадқиқотчилар куюқ ҳолатдаги гель электролитларни синовдан ўтказди. Натижада иккى хил термоэлемент комбинацияси электр ишлаб чиқариши самарасини тахминан иккى баробарга оширгани маълум бўлди.

Цзюнь Чжоу ва унинг ҳамкаслари навбатдаги тадқиқотларда мазкур тизими такомиллаштиришни режалаштироқда. Бундай йўл билан паст ҳароратли градиентлардан кўпроқ энергия олиш мақсад қилинган.

Таомномада зайдун бўлса...

Шифокорлар зайдунни бир қатор касалликларга шифо бўлувчи табии маҳсулот деб баҳоламоқда, деб ёзди "Zee News".



Зайдун юрак-қонтомир хасталикларининг ривожланиши, артериал қон босимининг кўтарилиши, қонда холестерин моддасининг ортишига тўққинлик қиласи. Ҳалқ табобатида эса зайдун мевасидан ялинигланишига қарши самарали восита, оғрикли қолдирувчи маҳалм сифатида фойдаланилали. Таркибида зайдун бўлган пардоз-андоз во-ситалари эса ўзида антиоксидантлар ва ё кислоталарини яхши сақлаши туғайли терини яшартириш хусусияти эга. Унинг таркибида кўп миқдорда темир моддаси бўлгани сабаб мевасини истеъмол қиласи кишининг қонида гемоглобин миқдори ортади.

Зайдун меваси кунлик таомномага киритилса, саломатликда астасекин ижобий ўзгаришлар кузатилади.

Юлдузларнинг ёшини аникловчи харита

Франциянинг Нотр-Дам университети профессори Дэниела Каролло ва унинг ҳамкаслари маҳсус усолда сомон ўйладаги 130 мингга яқин юлдузларнинг тахминий ёшини аниклади.

"Naked Science" журналида келтирилишича, олимлар тўплантан мавзумотларни юлдузларнинг коинотдаги жойлашви харитасига киритишга ҳам улгурди. Ҳосил бўлган тасвир эса Галактикамиз иерархия тизилмасининг 13,5 миллиард йиллик шаклланишига мос тушмоқда. Иерархия моделига кўра, ғовли, яъни сомон йўли каби спирал галактика эволюциясида юлдузларнинг кичик тўдаси гравитация таъсири остидаги чанг заррачалари асосида ҳосил бўлган. Бунда кичик тўдалар

ларига ҳам алоҳида эътибор қартилади.

Ушбу институттуда Фавқулодда вазирлиги ҳарбий хизматчилари, кутқарувчilar, турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг кутқарув хизматлари ходимлари, фуқаро муҳофазаси хизмати бошликлари, олий ўкув юртларининг фуқаро муҳофазаси ўқитувчilari, вазирлик тасаррufидagi ахолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказлари ўқитувчilarи, турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг сафарбарлик ходимлари тайёргарлик ва қайta тайёргарликдан ўтказилади.



галактика маркази томон ҳаракатланади. Йирик ва массаси оғир юлдузлар эса сиртқи қисмларда қолади. Натижада юлдузларнинг пайдо бўлиши ва оғир элементларнинг тўпланиши билан боғлиқ жараён давом этади.

Уч ўлчами тасвирда келтирилган сомон йўли юлдузлари ёши бўйича тақсимлаб чиқилди. Анча илгари пайдо бўлганлари кўк рангда, янгилири эса қизил билан белгиланди. Дэниела Кароллонинг фикрича, мазкур харита орқали юлдузларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тахминларга ойданлик киритилади. Шунингдек, йиллар давомида Галактика ютиб юборган ёки парчаланиб кетган кичик юлдуз тўдаларининг изларини аниқлаш мумкин.

Аутизмни аникловчи дастур

Планшетлар болаларда аутизмни эрта аниқлашга ёрдам беради. Шифокорлар эса маҳсус ўйнилар орқали хасталикка аниқ ташхис қўйши мумкин, деб хабар беради "Deccan Chronicle".

Страйклайд университети олимлари мазкур усул жуда осон ва самарали эканини таъкидламоқда. Бунда 3—6 ёш оралигига бўлган 37 нафар болаларга ички ҳаракат датчиклари мавжуд бўлган планшетлардан фойдаланиши тақлиф этилди. Олимлар эса аутизм хасталиги мавжудлиги тахмин қилинаётган болаларни кузатди. Жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ муммалорга касалликнинг асосий белгиси сифатида эътибор қаратиди. Мутахассислар хасталик қанча эрта аниқланса, унинг ижтимоий ҳаётга мослашуви шунча самарали бўлишини таъкидлашмоқда.




Аутизмни ирсий касаллик сифатида илмий томондан исботлашга қаратилган тадқиқотлар ҳам мавжуд. Бунда хасталик билан боғлиқ 2,5 мингига, унинг ривожланишига сабаб бўлувчи тахминан 400та ген аниқланган.

Китлар Арктикага қайтмоқда

АҚШ океан ва атмосфера тадқиқотлари миллий бошқармаси ходими Сью Мурнинг сўнгги 30 йил давомида Чукотка денегизи ва унинг атрофидаги китлар устида олиб борган изланишига "Biology Letter" журналида эълон қилинди.

Олим ўз тадқиқотида китлар тўдасининг Арктикага қайтиши сабабларини ўрганди. Мақолада келтирилишича, 1980-йилларда planktonлар билан озиқланувчи букри кит, финвал ва йўл-йўл китлар мазкур ҳудудларда учрамаган, бугун эса уларни уратиш оддий ҳолга айланмоқда. Тахминларга кўра, маҳаллий гренландия китлариning сони ҳам ўстган.



Сью Мур мазкур жараённи Арктика муз қатламининг эриши билан боғлади. Чунки бу қатлам сўнгти 30 йил ичидаги миллионлаб квадрат километрга кичрайди. Мазкур кўрсаткич у ҳар ўн йилликда ўн фоиз қисмини ўйқоттанини билдиради.

Музликлар эриган ҳудудларда фитопланктон ривожланиши учун имконият ҳосил бўлган, яъни кўёш нурларини ўзида сингдирган сувда фотосинтез жараёни юзага келган. Энг асосийси, Арктика китлариning умумий аҳволи текшириб кўрилганда, ҳеч қандай муммамо аниқланмади.

Хамида УСМОНОВА
тайёрлади.

Фуқаролар муҳофазаси энг асосий вазифа

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасаррufидаги Фуқаро муҳофазаси институтига вазирликнинг худудий бошқармалари ходимларни учун "Кидирив-күткарув", "Авария күткарув", "Сувда күткарув", "Тогда күткарув" ва "Радиацион кимёвий биологик (бактериологик) муҳофаза ишлари" каби йўналишларда билим ва кўнингмалар берип борилади. Шунингдек, ахолини фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш бўйича энг сўнгги технологиялар, янгиликлардан боҳабар этиш, худудий бошқармаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш иш-

лан ўкув хоналари мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастири, Европа хавфзислик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Марказий Осиёда ягона бўлган «Зилзилани симуляция килиш маркази» ишга туширилиши эса аҳолини табиида оғат вақтида ҳаракат килишга ўргатишда мухим омил бўлмоқда. Марказ "Зилзила тархи" музейи, релаксация, тибиёт хоналари, экспозициялар, конференция заллари, ўкув ва симуляция хоналарини ўз ичига олган.

Назоказ САИДХОНОВА,
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

Gurung

"Арбаин" асафидаги ахлоқий масалалар

Навоийнинг "Арбаин" (қирк хадис) асари, мана неча асрларки, инсонларни эзгуликка, покликка ва ҳалолликка давват этиб келмоқда. Шарқ мумтоз адабиёттида бу анъана Навоийгача ҳам булган. Арбаин арабча "арбъ" яъни, "қирк" сўзидан олинган бўлиб, қиркта машҳур сахиҳ хадис мазмунини шеърий вазнда, аниқроғи, бир рубойида ифодалаши санъатини англатган. Бундай асаарлар оддий ҳалик вакиллари ҳадислар мазмунини осон тушуниши ва хотирасида узоқ сақлаб қолиши учун хизмат қилинган. Навоий замонида ҳам бутун улус, ҳусусан, оддий ҳалик араб тилини билмаган ва ёзма маёнларни тушумаган. Навоий бобомиз нима учун туркий тилда "Арбаин" битгани ҳакида шундай ёзади:

Форсий донлар айлабон
идрок,
Орий эрди бу нафъдин
атрок.
Истадим, бу ҳалқ ҳам бори,
Бўлмағайлар бу
нафъдин орий.

Яъни, форсийда сўзлашувчи эллар ҳадислар мазмунини ўтилаша шеърий услубда ёлдаб ўрганар, атрок, яъни туркий ҳалклар эса бу имкониятдан бебахра эди. Шу сабабли туркий тилини улуслар ҳам ҳадислар мазмунини осон ва завқли тушуниши, хотирасида сақлаши учун тархимага кўр урдим, ҳадисларни шеърга солдим, дейди ҳазрат Навоий.

"Арбаин" рубойлари ҳадислар мазмунини англашга кўмак бери, инсон маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилилади.

Ҳадис: Ким хайр-эхсон қилишда, ноўрүн жойларга сарф килмаслика, яхши одамларни дўст ва ёмон одамларни душманни тартишда факат Аллоҳининг розилигини ният қилган бўлса, демак,

у имонини бутун сақлайди. Кимгаким хуббу бугзу манзу ато Ҳақ учун бўлди ҳазм бил они, Ким эрур Тенгри лутфидин комил Ахли имон қошида имони.

Манбаларда ҳар бир нарсада меъёрга амал килиш утирилади. Ҳусусан, хайр-эхсондаги саҳоватли бўлиш, лекин меъёрдан чикмаслик таъкидланади. Чунки меъёридан ошган хайр-эхсон биринчидан, берувчининг манманнлигиги кўрсатас, иккинчидан, эхсон олувчини дангасалик, танбаллик ва тубаниккиси элтади. Бундай хотти-ҳаракатлар сабоб эмас, аксинча, гуноҳ олиб келади. Ҳазрат Навоий бизни мана шундай ёмон оқибатдан огоҳлантиради.

Ҳадис: мўмин кишида иккисилат жам бўлмайди: баҳиллик ва ёмон ҳулк.

Мўмин эрсанг қилиб
дуррингни нисор,
Эл била рашван ўл
нечукким шам.
Негаким, Тенгри њеч
мўминдан
Бухлу бадхўйлики
қилимади жам.

Навоий ижоди инсонни ҳамиша комилликка, эзгуликка чорлайди, ёмонликлардан қайтаради, маънавий фалокатдан огоҳлантиради.

Танланган ҳадисларнинг деярли барчаси комил инсон ахлоқига оид қарашларни ўзида акс эттирганини кўришимиз мумкин. Масалан, "Инсонларнинг энг яхшиси – инсонларга фойдаси тегадиганинди" деган ҳадисни Алишер Навоий туркий тилда шундай ифода этади:

Ҳалқ аро яхширок,
дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа
рафъ андин.
Яхширок бил ани улус
ароким,
Етса кўпрак улуска
нафъ андин.

Ушбу шарҳ орқали инсоннинг улусга – жамиятга хизмат қилиши улуғланяти. Машхур "Курашда голиб чиққан пахлавон эмас, балки ғазаби келганда ўзини енга олган одам пахлавондир" ҳадисини шоир шундай талқин қиласди:

Эмас ул пахлавонки
ўз қадрин,
Бош уза элтибон нигун
қилғай.
Пахлавон они билки
етса газаб,
Нафси амморани забун
қилғай.

Мазкур ҳадис инсонни ўз нафси – газаби устидан ҳокимлик килиши чакиради.

Асарнинг умумий ҳажми 108 байт. Этиборли жиҳати, кириш (ҳамда ва нафъ) ва якуний қисмлар бир хил, яъни 5 байтдан иборат.

Асоснинг қисмida келтирилган шеърлар шакл жиҳатидан китъя сингари бўлиб, бунда факат жуфт мисралар коғилянган ва тоҳу мисралар очиқ қолдирилган:

Тенгридин раҳм агар
тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ кераксен
элга раҳим.
Ҳар кишиким улуска
раҳм этмас,
Анга раҳм айламас
раҳимики карим.

Умуман олганда, "Арбаин" асари инсон маънавиятини юкалтирига, маврифат улашишга хизмат қиласди. Бу ҳаджат шоир асарнинг хотима қисмидаги айтиб ўтади:

Эрур ул арбаиннинг
аввали ҳол,
Айла бу "Арбаин"
била аъмол.

Нодира МИРАХМАДОВА,
Хадичаи Кубро аёл-қизлар
ўрта маҳсус ислом билим
юрти ўқитувчиши

"Ҳамма нафса пул билан ўлчанмайди!"

Йўловчи уловда меҳмондорчиликдан қайтаётгандим. Ҳайдовчи амаки ёши элликларни қоралаган, истараси иссиқ, кўзлари мулоҳим куловчи киши экан. Унинг гап-сўзларини мароқ билан ёшибтиб, йўл чарочги ҳам билинмади. Манзилга яқин қолганида амаки тўсатдан машинани тўхтатиб, йўл четига олди. Таажужублини қараганини сезиб, йўлнинг нариги томонидаги машинага имоқиди. Бензинни тугабди, шекилини, ёрдан бераколай, ҳаммамиз ҳам йўловчимиз, ахир, деганича уловдан тушди. Ишини тамомлагач, яна йўлда давом этди.

— Амаки, анчадан бери ҳайдовчилик киласизми? — дедим сабрим чидамай.

— И-е, қаёрдан била қолдингиз? — амаки олд ойдан саволомуз карида.

— Билмадим... Эшитишимица, олдинлари шоёрларда яхши одат бўлган экан. Йўлда қайсиидир машина бузиси ё боягидек ёнилиги туғаса, њех иккиламай бир-бирларига ёрдам кўрсатарканлар. Ҳозир-чи? Бирор билан бирорвонинг иши йўк. Ёнингиздан индамай, бепарво, гоҳи елка учирив ўтиб кетадилар.

— Тўғри гапу, лекин одамзод яхшилик килса, муҳтоҷга муруват кўлини чўяса, саҳоват кўрсатса, албатта, мукофотини оларкан. Ишонаверинг... Одамларда андиша қолмаган, ҳар ким маңгафатни ўйлайди деймизику, бирор ўзимиз ҳам уларнинг категорига қўшиламиш соҳи. Агар инсон ўзини ўзи сақласа, умрени эзгу амаллар билан тўлдирса, њех вакт кам бўлмас экан. Буни кўп бора сина билганиман.

Амаки йўллардаги воқеалардан анчасини айтиди, яхшилик жавобсиз қолмайди, дей бир неча йиллар олдинги кизик, вазиятни гапириб берди.

— Катта бир ташкилот раҳбарига ҳайдовчи эдим.

Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўтрапаринеда меҳру мұхаббат уйғонур.

* * *

Имоннинг афзали – сабр ва кенг қалби бўлишидир.

* * *

Имони одам вагдага вағодор бўлади.

* * *

Эмкоқ ниятида қўллингизда кўчтам турган пайтда, беҳосдан қўёмат-қўном бўлиб қолиши аниқ бўлиб қолганди ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг.

* * *

Бирор нарсага муҳтоҗлик сезиб, уни сўраши жуда зарур бўлиб қолса, солих, яхши одамлардан сўрангиз.

* * *

Бирордарларингизга – ҳоҳ у золим бўлсин, ҳоҳ мазум, ёрдам беринг. Сўрадилар: "Мазлумга-ку ёрдам берамиз, золимга ёрдам бершилк қандай бўлади?". Жавоб бердиларки: "Уни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга қилган ёрдаминиз бўлади".

* * *

Таомнинг баракаси – ундан олдин ва кейин қўл юшишадидар.

* * *

Барча яхшилик – хушхулликдадир. Барча гуноҳ ва ёмонлик – дилдаги гашлик ва уятли шидадир.

Мулойимлик зийнат беради

* * *

Кишининг гўзалиги – унинг тилидан билинур.

* * *

Невъматга шуқр қилиши унинг заволидан омон сақлайди.

* * *

Мўминларнинг яхшиси – унинг қўли ва тилидан бошқалар озор топмайдиганидир.

* * *

Қайси бир киши қишилодаги биродарини кўриши учун ўйл олса, Тангири унинг ўйлига бир фаршиштани ҳамроҳ қилиб қўяди. У "йўлочишидан": "Қаेरга борурсан", – деб сўрайди. У: "Манн шу қишилодаги биродаримни кўргани борурман", – деб жавоб беради. Яна сўрайдиди: "Сенга унинг бирор ато этган невъмати борми?". У: "Нўк, лекин мен уни Тангири ўйлида дўст тутаман", – деб жавоб беради. Шундай фаршишта: "Мен сенга Тангири томонидан юборилга зачидурман. Сен биродарингни қанчалик яхши кўрсанг, Тангири ҳам сени шунчалик яхши кўради", – деган сўзни сенга айтгандек келдим", – дейди.

* * *

Илм ўрганиши ҳар бир мўмин учун фарзидир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳамто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳни сўраб истигифор айтади.

* * *

Ҳалол ризк топши ҳар бир мўмин учун вожибидир.

* * *

Кўй баракадир, тия азизидир, отнинг ёлларига эса қиёмат кунига яхшилик боллаб қўйиландир. Ходимларингиз биродарларингиздир. Уларга яхшилик қилинлар. Азар уларни қўйинчиликда кўрсангиз, ёрдамлашиб юборинглар.

* * *

Хайрли ва савобли шилар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди.

* * *

Кураши тушиш йиқитган эмас, балки ғазаби келганда ўзини босиб олган одам кучидир.

* * *

Мулойимлик ҳар бир нарсага зийнат беради. Қайси нарсада у бўлмаса, у нарса бузилади.

* * *

Одам қалбида гўё Ой ёнидагидек бир булут бордир. Ой ёритиб турганда тўсатдан булут келиб уни беркитиб кўйса – қоронгулик, булут кўтарилиса ёргулик бўлиб турганни каби, қалб ҳам бозилиш рашванишади, батзида хиралашиб туради.

* * *

Банданинг сабоб тарозусида яхши хулдан оғирроқ иш йўқдир. Унинг даражаси ҳамто намоз ва рўзанинг даражаси билан баробаридир.

* * *

Тангрининг наздида тўғри сўздан ортиқ садака йўқдир.

* * *

Илми ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик ёшёки молу дунёни шигиб, уни сарф қўймай, кўмид қўйши билан баробаридир.

* * *

Беморни кўргани борганде унинг пешонасига кўлни қўйиб ҳол-аҳвол сўраши баркамол зиёрат ҳисобланади. Кўл бериб кўришиб саломлашиб мұқаммал бўлади.

* * *

Кишининг бемаъни гаплардан тилини тишиши – унинг мўминлиги нақадар чироили эканлигидан дарак беради.

* * *

(“Ахлок-одобга оид ҳадис намуналари” китобидан).

Паралимпиячиларимиздан медаллар шодаси



Улар 22 спорт турнири бўйича 528 медаллар жамланаси учун ўзаро мусобақага киришган.

Мана шундай нуфузли спорт байрамида юртдошларимиз хам ўз омадини синаб кўрмоқда. Юртимиз шарафиди паралимпия йўйнларида 32 нафар спортчимиз спортнинг 5 тури бўйича химоя қиласатди.

Айтиш керакчи, мусобақаларнинг дастлабки кунларида ёнга яқин атлетизмиз курашни бошлаб юборди. Хусусан, дюдо бўйича эркаклар ўртасидаги беллашувларда 60 кг вазнда Шерзод Намозов, 66 кг вазнда Ўткир Нигматов, аёллар ўртасидаги 52 кг вазн тоифасида Севинч Салаева гиламга чиқсан бўлса, енгил атлетика бўйича Мавлон Хайдаров ядро улоқтириш, Хусниддин Норбеков диско улоқтириш, Фахриддин Хамроев 400 метрга югуриш бўйича илк синовлардан ўтиши. Сузиш бўйича Фотима Амилова, Муслима Одилова, Шоҳсанам Тошпӯлатова, Кирилл Паньков, Музаффар Турсунхўжев хам мусобақаларда катнашди.

Хабарингиз бер, паралимпиячиларимиз шу вақтга қадар бир неча Паралимпия йўйнларида катнашса да, аммо атиги 1ta — 2012 йили Лондон шахрида ўтган паралимпия йўйнларида -73 кг вазн тоифасида дзюдочилик Шариф Халилов кўлга киригтан кумуш медалй берди.

Кувонарлиси, «Рио-

Бразилия яқиндагина ёзги олимпиадага мезонлик қўлган эди. Нафбат XV ёзги Паралимпия йўйнларида этиб келиди. Рио-де-Жанейродаги машҳур «Марракана» стадионидаги маскур муҳим спорт тадбирининг таштани очилиши маросими бўлиб ўтди. Унда сайдерамизнинг 176 мамлакатидан 4350 нафар ампутант спортчи катнашмоқда.

2016-йил паралимпиячиларимиз учун хам омадли бошланди. Паралимпия йўйнларининг илк кунида дзюдо беллашувлари бўлиб ўтди. Унда ҳамортларимиз дастлабки медалларни кўлга кириди. Хусусан, ўзбек-

Мустафоевни яққол устунлик билан енгди ва муҳисларнинг хам олқишига сазовор бўлди.

Барчиной ва Тўмарис сингари ажоддарига муносиб авлод бўлишига интилаётган полвонимиз Севинч Салаева 52 кг вазн тоифасида бронза медаль соҳибаси бўлди. У Зўрин учун кечган шиддатли беллашувда канадалик Гагне Пришланни юко баҳоси билан доғда қолди.

Шунингдек, Рио-де-Жанейро шахрида давом эттаётган Паралимпия йўйнларининг илк кунида сузувларимиз хам курашга кириди. Хусусан, ўзбек-

жойлашганча дунё ҳамжамиятини ҳайрон қолдириб турган бир пайтда чемпионларимиз сафи янада кенгайди. Ўзбекистон спорт делегацияси байроқдори, енгил атлетикачимиз Хусниддин Норбеков дискини 59,75 метр масофага улоқтириб, хам жаҳон рекордидни ўрнатди, хам Паралимпия чемпиони деган шарафга сазовор бўлди.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан кўлга киритилмайди. Юртимизда имконияти чекланган фуқароларнинг спорт билан шугулланиши ва ўз қобилиятини ривожлантириб, китъя, жаҳон чемпионатлари ва паралимпия йўйнларидаги иштирок этиши учун яратилган шароитлар натижасида ана шундай оламшуму мувфақиятларга эришилаётганини ўтироф этиш лозим. Айнанча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шахрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия йўйнларида тайёрлаш түгрисида»ги қарори спортилаrimизни ушбу нуфузли спорт анжуманла-рига пухта, босқичмабоскич тайёрлаб боришида мухим дастуриламал бўлиб хизмат килиши.

Шерздонинг ютуғидан руҳланиб майдончига чиқсан 66 кг.гача вазн тоифасидаги полвонимиз Ўткир Нигматов хам якунда паралимпия чемпионига айланди ва ушбу спортчиларимиз шарфига Ўзбекистон мадҳияси янграб, байрагимиз баланд кўтарилиди. Ўткирбек финалда озарбайжонлик кучли рақиб Байрам

кистонлик спортчиларидан 2 нафари кумуш ва 2 нафари бронза медалга муносиблигини исботлади.

100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича Кирил Паньков кумуш, Музаффар Турсунхўжаев эса бронза медалга сазовор бўлди. Аёлларимиздан 100 метрга баттерфляй усульда сузиш борасида ўз имкониятини наимош этган Муслима Одилова кумуш, Фотима Амилова эса бронза медаль билан тақдирланди.

Шерздонинг ютуғидан руҳланиб майдончига чиқсан 66 кг.гача вазн тоифасидаги полвонимиз Ўткир Нигматов хам якунда паралимпия чемпионига айланди ва ушбу спортчиларимиз шарфига Ўзбекистон мадҳияси янграб, байрагимиз баланд кўтарилиди. Ўткирбек финалда озарбайжонлик кучли рақиб Байрам

кистонлик спортчиларидан 2 нафари кумуш ва 2 нафари бронза медалга муносиблигини исботлади.

Кисқа фурсат ичидаги вакилларимиз олтину кумуш ва бронза медалларни кўлга кирити, умумжамоа хисобида АҚШ, Япония, Германия каби мамлакат вакилларини ортада қолдириб, Зўринга

номга мушарраф бўлдим, — деди Шаҳзода Турсунмуродова.

— Терма жамоамизнинг кўлга киригтан барча фалабалари, аввало, мамлакатимизда биз спортчиларга яратиб бериладиган имкониятлар, шароитлар маҳсулидир. Бундай фалабали одимларни келгусида яна давом этирамиз.

Дилмурад Дўстбеков, «Ma'rifat» мухабири



номга мушарраф бўлдим, — деди Шаҳзода Турсунмуродова.

— Терма жамоамизнинг кўлга киригтан барча фалабалари, аввало, мамлакатимизда биз спортчиларга яратиб бериладиган имкониятлар, шароитлар маҳсулидир. Бундай фалабали одимларни келгусида яна давом этирамиз.

Дилмурад Дўстбеков, «Ma'rifat» мухабири

номга мушарраф бўлдим, — деди Шаҳзода Турсунмуродова.

— Терма жамоамизнинг кўлга киригтан барча фалабалари, аввало, мамлакатимизда биз спортчиларга яратиб бериладиган имкониятлар, шароитлар маҳсулидир. Бундай фалабали одимларни келгусида яна давом этирамиз.

Дилмурад Дўстбеков, «Ma'rifat» мухабири

Shashka saboqlari

Чинакам ҳалқона ўйин

Кейинги пайтларда оммавий ахборот вогиталарида ёшларнинг кам китоб ўқиётгани, кўп вақтни телефон ва компьютер ўйнларига сарфлаётгани айтимоқда. Мазкур муаммоларни бартараф қилиш учун турли чора-тадбирлар кўлланилмоқда. Ана шулардан бири ёшлар орасида интеллектуал спорт турларини янада оммалаштириш орқали соглом турмуш тарсини қарор топтишишдир. Боиси, шахмат ва шашка билан шугулланувчи болаларда бўш вақтни бекорчи шилларга сарфлаш каби муаммоларни учратмайсиз.

Шашка оддий ва қизиқарли комбинацияларга бойлиги билан бошқа интеллектуал спорт турларидан ажralиб туради. 27 йил мобайнида «шахмат тохини кеч кимга бермagan Эммануэль Ласкер шашкага бўлган муҳаббатини изкор этаркан, жумладан, шундай деганди: «Шашка — шахматнинг онаси». Шашка болаларни ўйлашга, мустақил фикрлашга, вазиятни ақл билан таҳлил қилишга, қатъиятга, ишчаник, интизомли бўлиш ва хотирани мустаҳкамлаб боришга унадайди.

Юртимизда шашканни янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўларок, шашкачиларимиз 1991—2015 йillardарда жаҳон ва Осиё чемпионатларида 100 олтин, 64 кумуш ва 54 бронза, жами 218 медални кўлга кириди.

Шашканинг оммавийлиги ва ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси учун накадар фойдали эканини инобатга олиб газета саҳифалари орқали юртимиздаги барча мактабчагача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида очилган шашка тўгаракларида кўшимча манба бўлиб хизмат қиладиган шашка сабоқларини тақдим этиб боришга карор килдик.

1-дарс. Кирис


Шашка қарийб 5 минг йиллик тарихга эга. Қадимги Миср фиръавнлари қабридан топилган ҳозирги замон шашка йўинига ўхшаш тахта ва доналар бунга яққол мисолидир. Шашка ҳам қадимий, ҳам замонавий йўинидир. У асрлар давомида қоидалари ўзгариб, такомиллашиб борганд. Шашка Ўзбекистон худудида ҳам анча илгари ривожлана бошлаган.

Қизиги шуки, шашка йўинини ҳар бир халқ ўз ақлий салоҳиги доирасида такомиллаштирган. Масалан, руслар, бразилиялар, арман, турк, япон, хитой, корейс ва америкаликларда 64, 81, 100, 121 ва ҳатто 144 катакли шашкалар ҳам бор. Юртимизда ушбу интеллектуал ўйинни «Бойкўргон» деб номланган замонавий кўрининши бўлиб, асосан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида оммалашган. Ҳавола этилаётган сабоқлар 64 катакли шашканни ўзлаштиришга башланади.

Шашка ва шахмат ўйнаш мумкин бўлган тахтада 64 катак мавжуд бўлиб, шундай 32таси оқ, 32таси қора катаклардир. Шашкада ўйин фақат қора катакларда олиб борилади. Дарвоке, биз шарти равишда қора катаклар деған катаклар бошқа ранг(яшил, кўк, жигарранг, кизил ва х.к.)да бўлиши ҳам мумкин. Шашка тахтаси жойлашувидаги энг муҳим белги — ўйничининг чап томонидаги 1-катак қора бўлиши лозим.

(Давоми бор.)

Эркин УМАРОВ,
олий тоифали мураббий





Ёш теннисчилар баҳси

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларida ўтга турнирда юздан ортиқ ўғил-қиз галиблик учун куч синашиди.

Ўзбекистон теннис федерацияси ва Осиё теннис федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақадан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида теннисни янада оммалаштириш ва улар орасидан истеъоддли спортчиларни кашф этишдир.

Ўғил болалар ўртасидаги яккали баҳсларида Бекзод Расаматов, Акбаршоҳ Шукуров, Расул Нурмуҳамедов, Иброҳим Ўринов, Максим Шин, Азизбек Ниёзов, Азиз Дадабоев ва Кодиржон Одилов биринчи даврада фалаба қозонди.

Кизлар ўртасида Сетора Нормуродова, Валентина Шлейн, Виолетта Алексеева, Ирина Турсунова, Олеся Ким чорак финал йўлланмасини кўлга киритди.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА)
олган суратлар.



Ички бозорда харидоргир

Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон тумани "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йигинидаги "Чарогон текстиль" корхонаси 2014 йилда фаолият бошлаган эди.

200 дан ортиқ турда тикув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиган ушбу корхона ўтган қиска даврда ички бозорда ўз ўрнини топди. Бу ерда меҳнат қилаётган 160 дан ортиқ ишчи-ходимнинг аksariyati касб-хунар коллежини битирган ёш мутахассислардир.

Суратларда: Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йигинидаги "Чарогон текстиль" корхонасида.

ЎЗА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yhatga olingan.

Indeks: 149, 150. Г-924. Tiraji 35791.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qo'qoz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6434



«Ma'rifat»-dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
go'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
gaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Abror UMARQULOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 20.50 Topshirildi — 21.55

1 2 3 5 6